2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 73 (73), 2020 йил 3 май, якшанба

201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сардоба сув омборида юз берган фавқулодда вазият сабабли 1-2 май кунлари Сирдарё вилоятида бўлди.

Сардоба сув омбори тўғонининг очилиши кутилмаган офат, эл бошига тушган яна бир синов бўлди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз бирлашиб, саросимага тушмай, сабр-матонат ва меҳнат билан тез фурсатларда унинг оқибатларини бартараф этишга киришди.

Ҳукумат комиссияси тузилиб, бу борадаги ишларга барча куч ва воситалар сафарбар этилди. Сув босган маҳаллалар аҳолиси хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди, бошпана ва озиқ-овқат билан таъминланди.

Юзага келган талафотни бартараф этиш ишлари изчил давом этмоқда. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўзаро мувофиқ ҳаракат қилиб, турмуш шароитларини тиклаш чораларини кўрмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда тиклаш ишлари куну тун ташкил қилинган, юзлаб қурилиш ва бошқа махсус техника воситалари тинимсиз ишламоқда. Сув иншоотларига ихтисослашган юқори малакали муҳандислар, бошқа туташ соҳа ва тармоқлар ишчи ва экспертлари жалб этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2 май куни Сардоба сув омборига бориб, тўғонни тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Мутахассислар билан атрофлича муҳокама қилган ҳолда, дамбани мустаҳкамлаш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари сув тошқинига биринчи бўлиб дуч келган Сардоба туманидаги Навоий номидаги маҳаллага борди.

Ҳукумат комиссияси мутасаддилари амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Президентимиз маҳалла бўйлаб юриб, юзага келган аҳвол билан яқиндан танишди. Ҳудудни пухта тозалаб, дезинфекция қилиш, қатъий санитария-эпидемиологик назоратни таъминлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини тез фурсатларда, лекин сифатли тиклаш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев сув чекинганидан кейин ўз маҳалласига қайтган одамлар билан мулоқотда бўлиб, талафот кўрган жойларда турмуш шароитлари тез кунларда тикланиши, аҳолига ҳар томонлама кўмак берилишини таъкидлади.

— Шундай оғир пайтда ҳаммамиз сизларнинг ёнингиздамиз. Аввало, ҳар бир маҳаллага кириб, ўт ўчириш машиналари ёрдамида сувни қочирамиз. Қурилиш, таъмирлаш ва янги уйлар барпо этиш бўйича халқ билан маслаҳатлашиб иш тутамиз. Ҳаммасини секин-секин жойига қўямиз. Фермерларнинг масаласи ҳам даласига чиққан ҳолда ҳал этилади. Энг муҳими, ўзларингиз соғ-саломат, болаларингиз ёнингизда экан. Кўнгилни тўқ қилинглар. Худога илтижо қиламизки, бизга мададкор бўлсин, охирги кўрганимиз шу бўлсин, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласи ва Мирзаобод туманидаги Ҳақиқат маҳалласи туташган ҳудудда ҳам бўлди.

Гулистон шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъуллари, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Сардоба сув омбори тўғонининг кутилмаганда очилиши ва унинг оқибатлари атрофлича таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, талафот кўрганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий объектлар ва қишлоқ хўжалиги майдонларини тезроқ тиклаш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бугун бутун мамлакатимиз эътибори Сардоба туманидаги табиий офат асоратларини бартараф этишга, сув тошқинидан азият чеккан юртдошларимизга моддий ёрдам кўрсатишга, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Олижаноб ва меҳр-оқибатли халқимиз ҳамжиҳат бўлиб, Сирдарёга озиқ-овқат, иссиқ кийим-бош ва бошқа зарур маҳсулотлар юкланган кўмак карвонларини юбормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардобадаги фавқулодда ҳодиса сабабли Гулистон шаҳрига эвакуация қилинган одамлар билан мулоқот қилиб, улардан кўнгил сўради. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ҳаммага ғамхўрлик кўрсатилишини таъкидлади.

Ҳукумат комиссиясига берилган кўрсатмалар асосида сув босган ҳудудларни тозалаш, қурилиш ва таъмирлаш, турмуш маромини йўлга қўйиш бўйича ишлар узлуксиз давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2 май тунда Тошкентга қайтиб келди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Токаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса билан боғлиқ жорий вазиятни ҳамда унинг мамлакатларимиз чегараолди ҳудудларидаги оқибатларини бартараф этиш бўйича яқин ҳамкорлик ишларини ташкил этиш масалаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Президентлар ҳукуматларга ишни мувофиқлаштирган ҳолда таъминлаш ва юзага келаётган барча масалаларни тезкор ҳал қилиш бўйича топшириқ бердилар.

Шунингдек, мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва унинг икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларга салбий таъсирини камайтириш борасида амалга оширилаётган самарали чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Икки давлат Бош вазирлари бошчилигидаги Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаол ишини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, жумладан, Қустанай шаҳридаги қўшма корхонада автомобиль ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, учинчи мамлакатлар бозорига чиқариш, замонавий транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа йўналишлар бўйича қатор янги дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида эришилган келишувларга мувофиқ ўтган соғлиқни сақлаш ва транспорт вазирлари онлайн анжуманларининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Мулоқот аънанавий самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

Синовли кунларда

ХАЛҚИМИЗ БУ ОҒИР КУНЛАРНИ МАРДОНА ЕНГИБ ЎТАДИ

Саъдулла ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси



Бугун ҳаммамизнинг кўнглимизда бир ўй, бир ташвиш, юрагимизда бир дард. Бутун дунёни ташвишга солган коронавирус пандемиясидан давлатимиз ва ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари, халқимизнинг аҳиллиги боис, уюшқоқлик билан халос бўлаётган бир шароитда янги синовларга рўбарў келдик.

Кучли шамол оқимидан иборат табиий офатдан Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, айниқса, Бухоро вилоятининг Қоракўл ва Олот туманлари аҳолиси катта зарар кўрди. Сўнгги кунларда эса кучли ёмғир ёғиб, қаттиқ шамол тургани боис, Сардоба сув омбори тўғони очилиши туфайли кутилмаган фалокат юз берди. Одамларнинг йиллар давомида тиклаган қанча-қанча иморатлари, уй-жойлари, мол-ҳоли, экинзорлар сув остида қолди. Фалокат кўлами, у келтираётган зарар юракни увуштиради. Қанча-қанча майдонларда буғдой бошоқлаётган, чигитлар униб чиқаётган, мева ва сабзавотлар гуркираб ўсаётган эди.

Давоми 2-бетда

БИРЛАШГАН ЭЛ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм! Куни кеча тонгда Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми очилиб, юзага келган тошқин туфайли минглаб юртдошларимиз бошпанасиз қолди. Бу фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўрилди.

Уларга имкон қадар тезроқ ёрдам бериш, бу оғир синовда елкадош бўлиш миллатдош, диндош, юртдош сифатидаги инсоний бурчимиз.

Шу куннинг ўзидаёқ, Президентимиз зудлик билан Сирдарё вилоятига етиб борди, зарур вазифалар белгилаб берилди ва вазият тўлиқ назоратга олинди. Давлатимиз раҳбарининг "Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди", дейиши баробарида офат оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишга киришилди.

Юртимиз уламолари ҳам сув омборидаги фавқулодда ҳолат оқибатлари бартараф бўлишини Яратган Парвардигордан сўраб, динимизда тавсия қилинган амалларни адо этдилар. Ислом дини манбаларида ҳар бир ҳолат учун — яхши-ёмон кунлар, хурсандчилик-мусибатли дамларда ўзига хос амаллар ва дуоларни қилиш ҳақида кўп баён этилган.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "АҲОЛИНИНГ УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ қарори қабул қилинди.



ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ МУДДАТИ 15 ЙИЛДАН 20 ЙИЛГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ

ҚАРОРГА МУВОФИҚ

2020 йил 1 майдан бошлаб 2022 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларга хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратишга рухсат берилди.



Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қуриб битказилган квартираларни, шунингдек, тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун

БИР ҚАРЗ ОЛУВЧИГА АЖРАТИЛАДИГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРЛАРИ:

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА

2 хонали квартиралар учун 174 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача,
3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 224 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача оширилади.



ШАҲАРЛАРДА

2 хонали квартиралар учун 180 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача,
3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 232 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача оширилади.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

2 хонали квартиралар учун 198 миллион сўмдан 264 миллион сўмгача,
3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 255 миллион сўмдан 352 миллион сўмгача оширилади.



Бундан ташқари, янги тартиб доирасида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари (шу жумладан, бугунги кунга қадар ажратилган ипотека кредитлари) муддати 15 ЙИЛДАН 20 ЙИЛГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ.





ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 май, 73-сон

ХАЛҚИМИЗ БУ ОҒИР КУНЛАРНИ МАРДОНА ЕНГИБ ЎТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Зудлик билан воқеа жойига ҳукумат ва барча даражадаги масъул раҳбарлар етиб борди. Эртаю кеч тиним билмай халқимиз ташвишини қилаётган Президентимиз, икки кундирки, Сирдарё вилоятида. Ҳаммамиз ойнаи жаҳон орқали давлатимиз раҳбарининг вазиятни жойида ўрганиб, одамлар билан учрашиб, лозим бўлган барча чора-тадбирларга бош-қош бўлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Офат оқибатларини бартараф этиш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Одамлар хавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Бошпана, озиқ-овқат билан таъминланмоқда.

“Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга кўчириш бўлди. Энг катта масала — ўлим бўлмаслиги. Оқсоқоллар, маҳалла раислари ва нозирларидан илтимос қиламан: одамларни йиғиб, уйларга, чодирларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама-маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча бирорта раҳбар кетмайди. Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди”, деди аҳоли билан учрашувда давлатимиз раҳбари.

Дунёнинг қанчадан-қанча мамлакатларида сув тошқинлари, турли бошқа офатлар ҳар йили кузатилади. Сув омборларида тўғон ўпирилишлари ҳам тарихда кўп учрайди. Мисол учун, ўтган асрда Калифорниядаги Орвилл дамбасида содир бўлган авария туфайли 600 киши, Франциядаги Рейран дарёси ўзанидаги Малпассье тўғони қулаб тушиши боис, 423 нафар киши ҳалок бўлган, бутун бир шаҳарни сув босган. Италиянинг Вайонт сув омборида тошқин боис, 2 мингдан зиёд, Хитойдаги Байнцян ГЭСи тўғони бузилгани туфайли энг кўп — 26 минг қурбон берилган. Бундай мисолларни биз яшаётган асрдан ҳам келтириш мумкин. 2009 йил Россиянинг Красноярск ўлкасидаги Саяно-Шушенск ГЭСида содир бўлган техник авария 75 киши умрига зомин бўлган бўлса, 2010 йили Хитойдаги Фуха дарёсига қурилган тўғон ўпирилиши боис, юз минг одам кўчирилган. Ўша йили Покистоннинг Инд дарёсидаги тошқин 700 одамнинг умрига зомин бўлган. Минг шукрки, бизда одамларимиз соғ-саломат, қурбонлар йўқ.

Сардоба туманининг “Аҳиллик” маҳалласида Норбой Сайдалиев деган пенсионер тогамиз яшайди. Телефонда ҳол-аҳвол сўрадим.

— Тонгда хабар келди. Бола-чақа, набираларни олиб, кўп қатори йўлга чиқдик. Биринчи ўйлаганимиз бола-чақамиз, ўзимиз бўлдик, — деди ташвишли оҳангда. — Дўстлик туманидаги қариндошимизникига эсон-омон келиб олдик. Уй-жой, мол-ҳол, нима бўлса, шундайича сувда қолди. Биргина отим, жиловини бўшатиб юборган эдим, биздан айрилмади. Эргашиб чиқди... Сув омбори қурилганда қанча хурсанд бўлганмиз. Ҳеч ким буни кутгани йўқ. Фалокат-да. Мол-ҳол дейсизми? Жонимиз соғ-ку. Тўрт кўз тугал қолдик. Шунга шукр. Президентимизнинг вилоятимизга келиши, бирорта одам эътиборсиз қолмайди, дея кўнглимизни кўтаргани катта мадад бўлаётир. Ҳаётимиз, Худо хоҳласа, яна изга тушиб кетади. Ташвишни берган Эгам ризқимизни ҳам берар”.

Гапининг сўнгида овозида хийла хотиржамлик ва вазминликни ҳис этдим. Бу, ҳеч шубҳасиз, тушунган одамнинг фикри, кўпни кўрган инсонга хос хотиржамлик, шу билан бирга, ҳар қандай ҳолатда чуқур мулоҳаза юритиб иш тутишга оид халқимизга хос фазилат ифодаси эди.

Айни шундай фазилатлар одамларимизга мадад ва суянч бўлиши табиий. Бу фалокат, ҳақиқатан, ҳеч ким кутмаган, биринчи навбатда, Сирдарё ва Жиззах вилояти аҳолиси, шу билан бирга, бутун Ўзбекистон аҳли учун, ҳар биримиз учун ҳам яна бир синов бўлди. Энг аввало, иродамизга синов, меҳру оқибатимизга, одамийлигимизга, имон-эътиқодимизга синов. Ҳаёт шундай экан-ки, у одам боласини нафақат хурсандчиликлар, байрамлар, балки кутилмаган ташвишлар билан ҳам синовдан ўтказар экан. Аммо шу нарса аниққи, халқимиз энг мураккаб шароитларда ҳам руҳини баланд тутган, ўзаро ишончини, аҳиллигини, меҳр-оқибатини йўқотмаган. Бундан оғир кунлардан ҳам мардона ўтган халқмиз.

Бирлашган эл қудратли бўлади

Бошланиши 1-бетда

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг 36 та минтақасидаги табаррук уламоларимиз ва имом-домлаларимиз томонидан Аллоҳ таборака ва таолодан мазкур нохуш ҳодисанинг салбий оқибатларини бартараф этишини сўраб, хатми Қуръонлар ўқилиб, муборак Рамазон кунларида дуою тазаррулар қилинди. Имом-хатиблар, имом ноиблари ва мадрасалар талабалари томонидан 420 та хатми Қуръон қилинди. Шунингдек, хайрия тадбирлари доирасида 4 бош қорамол, 85 та қўй сўйилиб, кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож кишилар, етим-есирлар ва дуоси мустажоб инсонларга тарқатилди.

Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғофур Аҳмедов Сирдарё вилоятида юзага келган фавқулодда ҳолат оқибатида азият чеккан юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида инсонпарварлик юклари ортилган иккита юк машинаси билан ушбу вилоятга етиб бордилар. Улар аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, бундай синовли кунларда, энг асосийси, саросимага тушмасдан, елкама-елка туриб, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бошга келган ташвишни сабр-матонат билан енгиш ўта муҳим эканини таъкидладилар.

Эл бошига иш тушганда ёрдам қўлини чўзиш чин мўминлик сифати, халқимизга хос фазилатдир. Ушбу нохуш воқеа содир бўлганиданоқ, маҳаллий аҳолига кўмак бериш тадбирлари уюшқоқлик билан бошланиб кетгани маҳзун қалбларга қатта далда бўлди. Айни дамда Сирдарё вилояти аҳлига Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан меҳр-мурувват юклари юборилмоқда.

Аллоҳ таолонинг бу синовли кунларида, Рамазон ойида машаққатда қолган сирдарёлик юртдошларимиз, кексалар аёллар ва ёш болаларга ўз ёрдам қўлини чўзаётган барча азизларимизга самимий миннатдорлигимизни билдирамиз. Аллоҳ таоло қилаётган эҳсонларни ўз даргоҳида қабул қилсин, ажру савобларини зиёдаси билан ато этсин.

Зеро, инсоннинг мусибат етган биродарига ҳамдард бўлиши динимиз талаби. Қуръони каримда “Албатта, мўминлар биродардир”, ҳадиси шарифда эса “Мўминлар ўзаро меҳр-шафқатларида худди бир тана кабидир. Агар ундан бир аъзо оғриб қолса, тананинг бошқа қисми унга бедорлик ва иситма билан ҳамдард бўлади”, дейилган.

Президентимиз ҳамма куч ва воситалар ушбу ҳудудга сафарбар қилинишини таъкидлар экан: “Худонинг ўзи ҳаммамизга сабр берсин, ўзи қўллаб-қувватласин”, дея барчани бирдамликка чорлади. Дарҳақиқат, муборак Ислом динимизда мана шундай машаққатли кунларда сабр қилишга улуғ ажрлар баён қилинган.

Ҳадиси шарифда “Бандаларнинг Аллоҳ таолога энг яхшиси — мусибат келганда, сабр қилгувчи ва неъмат берилганда, шукр қилгувчисидир”, дейилган (Имом Табарий ривоятлари). Бошқа бир ҳадиси шарифда Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай баён қилдилар: “Аллоҳ таоло айтади: “Эй Одам боласи, Мендан савоб умид қилиб, мусибатнинг илк дақиқаларидан сабр қилсанг, у ҳолда сен учун жаннатдан бошқа мукофотга рози бўлмайман” (Имом ибн Можа ривояти).

Ҳадиси қудсийда эса бундай келтирилади: “Аллоҳ таоло: “Агар бандаларимдан бирортасининг баданига, ё боласига, ё бойлигига офат келтириб, мусибатга рўбарў қилсам-у, у мусибатни сабр ила қарши олса, қиёмат куни унинг ёмон амалларини тортиш учун тарози қўйишга, ёки гуноҳлари қайдланган дафтарини очишга уяламан”, деди” (Имом Термизий ривояти).

Тарихдан биламизки, халқимиз жуда кўп офату балоларни, қийинчиликларни сабр-бардош, матонат билан енгиб ўтган. Қалбида сабр-бардош, ишончи мустаҳкам халқимиз бугунги синовли кунлардан ҳам Яратганнинг мадади ила сабот билан ўтади. Бунинг учун, энг аввало, барчамиз ҳамжиҳат ва тартибли бўлишимиз лозим. Ваҳимага берилмасдан, саросимага тушмаслик зарур.

Ҳақ таборака ва таолодан ушбу нохуш воқеанинг салбий оқибатларидан паноҳ сўраб, Яратган Парвардигорга дуолар қилиб қоламиз.

Биз биргамиз, биргаликда енгамиз

Худойберди КАРИМОВ,
журналист

Жиззах вилояти аҳли Сардоба сув омбори тўғони очилиши туфайли яшаб турган уй-жойларидан вақтинчалик кўчирилган 21 минг 500 нафарга яқин инсонни қучоқ очиб кутиб олди.

Эътиборли жиҳати, эвакуация қилинган одамларнинг қарийб юз фоизи оддий жиззахликлар хонадонларида қўним топишди. Вилоятнинг 2 минг 423 та саховатпеша ва жонкуяр оиласи бошига ташвиш тушган сирдарёлик ватандошларига бағирларини очдилар.

Бугун Жиззах шаҳри ва вилоятнинг барча туманларида сув тошқинидан жабрланганлар учун барча қулайликлар яратилган. Мирзачўл туманида 10 минг нафардан ортиқ, Дўстлик ва Пахтакор туманларининг ҳар бирида 4 минг нафар атрофида, қолган бошқа ҳудудларда ҳам вақтинчалик кўчирилганлар ўзларини уйларидаги каби ҳис қилишларига ҳаракат қилинмоқда.

Шароф Рашидов туманидаги “Қанғли” маҳалла фуқаролар йиғинида 2 мингдан ошиқ оила, 7,5 минг нафар киши истиқомат қилади. Ана шу маҳалланинг 12 та хонадони эгалари қўшни вилоятнинг Оқолтин туманидан келган 120 нафардан зиёд жабрдийдага уйларининг тўридан жой берди.

— Ҳалигача телефоним тинмаяпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Аҳроров. — Бошқа кўплаб маҳалладошларимиз ҳам “Бизда имконият бор, шароитим етарли, янги келганлар бўлса, бизникига жўнатинг”, дейишмоқда. Мана, ҳозиргина Баҳриддин Жуманов хонадонига эвакуация қилинганлардан 25 нафарини, Рустам Мавлоновникига эса 18 нафарини жойлаштирдик.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу маҳалланинг бошқа кўплаб савобталаб фуқаролари ҳам Сирдарёдан келган меҳмонларни мардий ва маънавий тарафдан қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишаётир. Кимдир кийимкечак, кимдир озиқ-овқат, яна кимдир кундалик рўзғор буюмлари кўтариб келмоқда. “Шундай кунларда бир-биримизга ёрдамимиз тегмаса, қийналганларга кўмак бермасак, ким деган одам бўламиз”, дейишмоқда улар.

— Оқолтин туманининг Усмон Носир номли маҳалласидан 25 киши келдик, — дейди эвакуация қилинганлардан бири Одинахон Мирзажонова. — Қанғлиликлар бизни меҳр билан кутиб олди. Жумановлар хонадони аъзолари бизга барча шароитларни муҳайё қилиб берди. Ҳеч нарсадан зориққанимиз йўқ. Ҳозиргина маҳалла раиси ва фаоллари, тиббиёт ходимлари келиб кетди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга, бизни очиқ юз билан қарши олган жиззахликларга минг бора ташаккур айтамиз.

Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзлари зудлик билан Сирдарёга ташриф буюриб, бу ерда вилоят аҳли билан учрашди. Президентимизнинг “Бирорта хонадон, бирорта аҳоли эътиборсиз қолмайди”, деган сўзлари табиий офатдан жабр кўрганлар, уларни ўз оға-ини, опа-сингилларидек қабул қилганлар — барча-барчанинг қалбида миннатдорлик ҳисларини уйғотди. Бу кунлар, бу ташвишлар ўтиб кетишига, ҳаёт яна ўзининг равон ўзанига тушишига бўлган ишончни мустаҳкамлади.

Машаққатлар олдида ҳеч қачон чекинмаганмиз

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



Иродали, матонатли, танти, мард ва олижаноб халқимиз ҳеч қачон турли қийинчилик ва машаққатлар олдида эсанкираб қолмаган. Тарих саҳифаларини варақласак, бунга жуда кўплаб мисоллар топишимиз мумкин.

Куни кеча Сирдарё вилоятининг Сардоба сув омборидаги табиий офат ҳам барча юртдошларимизни яна бир марта синовдан ўтказди. Кучли ёмғир ва шамол оқибатида сув омбори тўғонининг очилиши туфайли вилоятнинг бир неча қишлоқларини сув босгани ҳар бир юртдошимизнинг қалбини ўртаб юборди.

Сирдарёликлар Президентимизнинг зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб келганини, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия ва бошқа идоралар вакиллари талафот оқибатларни бартараф қилишга киришганига гувоҳ бўлиб, бу табиий офатдан ҳам эсон-омон чиқишларига қаттиқ ишонмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари ҳудуд аҳолиси билан учрашиб, ушбу синовли кунларни сабр-бардош билан енгиш учун барча чора-тадбирлар белгиланишини айтди. “Шундай оғир пайтда ҳаммамиз сизларнинг ёнингиздамиз. Аввало, ҳар бир маҳаллага кириб, ўт ўчириш машиналари ёрдамида сувни қочирамиз. Қурилиш, таъмирлаш ва янги уйлар барпо этиш бўйича халқ билан маслаҳатлашиб иш тутамиз. Ҳаммасини секин-секин жойига қўямиз. Фермерларнинг масаласи ҳам даласига чиққан ҳолда ҳал этилади. Энг муҳими, ўзларингиз соғ-саломат, болаларингиз ёнингизда экан. Кўнгилни тўқ қилинглар. Худога илтижо қиламизки, бизга мададкор бўлсин, охирги кўрганимиз шу бўлсин”, деди давлатимиз раҳбари.

Аҳолини сув тошқинидан асраш учун 22 та аҳоли пунктидан 70 минг нафарга яқин фуқаро зудлик билан эвакуация қилингани, талафот кўрган оилаларга тиббий, моддий, маънавий ёрдам берилаётгани ҳам мамлакатимиздаги халқпарварликнинг юксак намунасидир.

Сардобадаги сув тошқинидан озор чеккан, талафот кўрган оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқлар, экин майдонларидаги зарар оқибатини тугатишга қорақалпоғистонликлар ҳам биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. Сирдарёга узоқ қорақалпоқ элидан 30 бош қорамол, 35 тоннадан зиёд гуруч, 50 миллион сўмлик кийим-кечак, доридармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди. Шунингдек, Сирдарёга ёрдам ҳисоб рақамига 5 миллиард сўм маблағ ўтказилди.

Биз, қорақалпоғистонликлар Сирдарё вилояти халқи билан биргамиз, уларга ҳамдардмиз. Касалхонадаги бемор ҳам, уйсиз қолаётган аҳоли ҳам, экинлари нобуд бўлган, боғлари талафот кўрган фермер, деҳқону боғбон ҳам асло ёлғиз эмас.

Бутун халқимиз меҳридан, қўллаб-қувватлашидан бу офатлар тезда бартараф бўлишига ишончимиз комил.

Президентимиз халқимиз матонатига ишонади. Ҳаётимиз учун оғир келаётган 2020 йилнинг барча қийинчиликлари, албатта, орқада қолади. Юртимизда олиб борилаётган одилона, оқилона ички ва ташқи сиёсат Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақи, тинчлик осойишталиги, аҳоли турмуш фаровонлиги, халқимиз бахтли турмушининг кафолатидир.

Сардобаликлар — биродарларимиз, биз уларга доимо елкадошмиз!



Фармон ТОШЕВ ,
халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг кеча селектор тарзида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида депутатлар ана шундай қарорга келди. Унга раислик қилган вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Сардобада юз берган табиий офат ва уни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Шу куннинг ўзида бу нохуш хабардан вилоят жамоатчилиги, депутатлар хабардор этилгани, тадбиркорлар, ФВВ вилоят бошқармаси ёрдамида қурилиш ашёлари, рўзғор буюмлари, чодирлар, кийим кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланиб, эрта тонгда Сирдарёга меҳр-мурувват юклари жўнатилди. Шунингдек, сув тошқинидан зарар кўрганларни қўллаб-қувватлаш учун вилоят маркази ва барча туманларда хайрия марказлари ташкил этилди.

— Биз 1 май куни тушдан сўнг депутатлар ва фаоллар билан биргаликда туманимиз аҳлига табиий офатдан талафот кўрган аҳолига ёрдам бериш юзасидан мурожаат қилдик, — деди Каттақўрғон тумани ҳокими Аъзам Баҳромов. — Ёмғир ёғаётган бўлишига қарамасдан тадбиркорлар, зиёлилар озиқ-овқат, кийим-кечак ва рўзғор буюмларини тўплаб, эрта тонгда тиркамали юк машиналарида жўнатилди. Халқимиз ўз биродарларига ёрдамга ҳар доим ҳозирлигини билдириб, хайрия марказларига кўмак кўрсатиш бўйича мурожаат қилишмоқда.

— Тожли вирусга қарши кураш мамлакат аҳлини жипслаштирди, десам хато қилмайман, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов. — Офатга қарши матонат билан курашишни ўргандик. Шу сабабли Бухородаги талафотдан сўнг вилоятимиз аҳли Қоракўл ва Олот туманларига дарҳол ёрдам юборди. Сардобага кўмак беришда ҳам худди шундай йўл тутилмоқда. Унда оддий одамлардан тортиб, депутатларимизгача баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Президентимизнинг ўша куниёқ Сардобага бориши, ҳар бир инсон ҳаётини асраш бўйича куйинчаклик билан айтган гаплари ҳар бир ўзбекистонлик қалбидаги инсонийлик, меҳр-оқибат туйғуларини янада кучайтириб юборди. Сессияда депутатлар Сардобадаги табиий офатдан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ташқари жамғармадан беш миллиард сўм ажратишга қарор қилдилар.

Дарҳақиқат, биз бирлашишни ўргандик, бирлашганда эл ниҳоятда қудратли бўлишига ишонч ҳосил қилдик. Зеро, бу ишонч ва қудрат ҳар қандай муаммони ҳал этишга қодир. Бундай халқ билан ҳар қандай улуғвор мақсадларга эришиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ВА СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ



Ҳудудлар номи	Касаллик аниқланганлар	Соғайганлар сони ва фоизи		Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	109	70	64%	
Андижон вилояти	165	111	67%	
Бухоро вилояти	428	325	76%	
Жиззах вилояти	3	3	100%	
Қашқадарё вилояти	6	6	100%	
Навоий вилояти	2	1	50%	
Наманган вилояти	222	89	40%	3
Самарқанд вилояти	105	22	21%	
Сирдарё вилояти	20	4	20%	
Сурхондарё вилояти	36	20	56%	
Фарғона вилояти	153	73	48%	1
Хоразм вилояти	230	138	60%	
Тошкент шаҳри	639	409	64%	5

Тушкунликка асло тушганимиз йўқ

Донагул ТУРДИМУРОДОВА,
пенсионер

Ёшим 65га яқинлашиб қолди. Салкам 40 йилдан буён Мирзаобод туманининг Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Бобур” номли маҳаллада яшаб келаман. Шу ерда 6 нафар фарзандимни вояга етказиб, уйли-жойли қилдим. Ҳозир болаларим турли жойларда юртимиз ободлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Маҳалламиз Сардоба сув омборидан унча узоқда эмас. Шу боис, тошқин ҳақидаги хабарни эшитганимиз заҳоти йўлга отландик. Шошганимиздан ҳатто ҳужжатларимизни ҳам унутибмиз. Аслида ҳаётмамот учун кураш кетаётган пайтда ҳужжат эсга келармиди. Хуллас, шу ҳудудда яшовчи ўғлим, невараларим билан эсон-омон Янгиер шаҳрига етиб олдик.

Сув оқими пасайгандан сўнг суриштирсам, уйимиз 1,5 метр сув остида қолибди. Ҳозир Зоминдаги ўғлимникидан паноҳ топдик. Телевизордан сув тошқини бўйича хабарларни мунтазам кузатиб турибмиз. Президентимиз шошилинч равишда Сирдарёга етиб келгани ва биз каби жабр кўрганлар билан учрашгани, офат оқибатларини тугатишга шахсан ўзлари раҳбарлик қилаётгани, шунингдек, аҳолини уй-жойига қайтариш учун тезлик билан барча чоралар кўрилиши ҳақидаги гаплар кўнглимизни хотиржам қилди. Худо хоҳласа, яна ўз уйимизга қайтишимизга, яна ўша қадрдон кўни-қўшнилар билан эсон-омон дийдорлашишимизга ишондим.

Инсон ҳаётида нималар бўлмайди. Бу офат ҳам биз учун бир синов. Лекин асло тушку нликка тушганимиз йўқ. Чунки мамлакатимиз раҳбари бизларни ҳеч қачон ташлаб қўймайди. Мен шундай Президентимиз борлиги билан фахрланаман.

Келажак фермери



Бугун юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш билан бир қаторда халқни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига етказадиган зарарини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, республикада деҳқон ва фермерлик ишлари санитария-эпидемиологик қоидаларига риоя этган ҳолда изчил давом эттирилмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

— Айни кунларда далаларда иш қизғин, — дейди Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши раиси Маҳмуд Иноятов. — Фермер ва деҳқонларимиз зарур санитария-эпидемиология талабларига риоя қилган ҳолда, куну тун меҳнат қилмоқда. Бироз ноқулай об-ҳаво шароитини ҳисобга олмаганда, барча агротехник ишлар ўз вақтида амалга ошириляпти. Хусусан, уруғ ва кўчат етиштириш, сотиш ва уларни етказиб бериш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари аввалги тартибда ишлашда давом этяпти.

Шу кунларда дала ишлари қизғин паллага кирган. Пахта ва ғалла йўналишидаги фермерларимиз ғалла ўғити ва чигит экиш ёки парваришлаш ишлари билан банд. Боғбонларимиз халқимиз дастурхонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўл бўлишига муносиб ҳисса қўшиш истагида боғ қатор ораларида полиз маҳсулотларини етиштирмоқда.

— Қишлоқ хўжалигида вақтинча фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириб, кам таъминланган оилаларни банд қилиш, пандемия туфайли чет элга кетолмаган, ишсиз қолган ёшларни қишлоқ хўжалиги кооперативларига бириктириш бўйича яратилган тизим яхши самара бермоқда. Бу борадаги ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, бугунги мураккаб вазиятда аҳоли бандлиги, хусусан, вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда барча ҳудудларда “Ҳар бир ёшга — бир гектар”, “Ёшлар кооперацияси”, “Ёшлар боғи” каби лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Бу йил 1 миллион гектардан ортиқ майдонда ғалла етиштириляпти. Ғалла йиғиб олингандан кейин бўшаган ерларда такрорий экин экиб, ҳосил олиш имконияти юқори бўлади. Лекин ўтказилган таҳлилларга кўра, аксарият ер майдонларида (30%дан ортиқ) такрорий экинлар экилмасдан қолиб кетяпти. Аслида 15 гектардан ортиқ ғалла майдонига эга фермерлар тўлиқ маҳсулот эка олмаслиги табиий ҳол. Бунга унинг ишчи кучи, маблағи ҳамда техникаси етмайди. Ёки катта майдонда меҳнат унумдорлиги юқори бўлган маҳсулот етиштиришда таваккал қилишдан, ортиқча маблағ сарфлашдан қўрқади. Шу сабабли, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, интенсив усулда маҳсулот етиштириш ҳамда кам таъминланган оилалар ва ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра, ҳар бир фермер бир нафар ишсиз ёшга ғалладан бўшаган майдондан беғараз, мавсумда фойдаланиш учун бир гектардан ер ажратиб беради. Натижада, ҳам бўш ётган ердан унумли фойдаланилади, ҳам ёшлар иш билан таъминланади. Қолаверса, бозорларни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконияти янада ортади. Шунингдек, ердан даромад олган ёшлар кейинчалик ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун маблағга эга бўлади.

Мазкур лойиҳа доирасида 2020 йилда 14582 нафар ёшни қамраб олиш режалаштирилган. Яна бир жиҳати, бу йилдан лойиҳага айрим ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида фойдаланилмаётган, ташландиқ ер майдонларига ишлов берилиб, ёшларга тайёр ҳолда фойдаланишга топширилмоқда. Ҳозирга қадар 10858 нафар ёш йигит-қизга жами 11702,5 гектар ер майдонлари тайёр ҳолда берилди.

Айни пайтда Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши томонидан ҳам “Келажак фермери”, “Ўзбегим ёш фермери”, “Менинг далам — менинг фахрим”, “Менинг обод томорқам”, “Ёшлар агрофирмаси”, “Ёшлар агрокластери”, “Ўсимликлар клиникаси”, “Асаларичилик сирлари”, “Ипак қурти — етти хазинанинг бири” сингари бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган.

Кенгаш томонидан аҳоли томорқаларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида томорқадан фойдаланиш маданиятини янада ошириш мақсадида дастлаб намуна сифатида Андижон вилоятининг Жалақудуқ ва Жиззах вилоятининг Зарбдор туманларида ўсимликлар клиникаси лойиҳаси амалга оширилди. Унга кўра, 111 нафар ишсиз ёшга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан аҳоли томорқаларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишга мўлжалланган ҳар бири 800 минг сўмлик лаборатория жиҳозлари қайтариш шарти билан олиб берилди. Ҳозир бу ёшлар ҳудудларда аҳолига хизмат қилиш орқали даромадга эга бўлмоқда. Мазкур лойиҳани бошқа жойларда ҳам босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, карантин даврида ёшларнинг вақтини самарали ўтказиш ва уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида кенгаш ҳодимлари томонидан онлайн мулоқотлар йўлга қўйилган. Аҳолининг уйидан чиқмасдан, ўз томорқасидан унумли фойдаланиши учун “Томорқа — даромад манбаи” шиори остида кўчатлар экиш, иссиқхоналарда амалга ошириладиган ишлар (жараёни) бўйича видеоқўлланмалар тайёрланиб, соҳага оид маълумотлар, қизиқарли фактлар, викторина ва савол-жавоблар билан бирга, доимий тарзда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз орқали тақдим этиб борилмоқда.

Шунингдек, ёш фермерлар учун ҳозир чет давлатларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, малака ошираётган ҳамюртларимиз билан ҳамкорликда онлайн семинар (вебинар) лар ташкил этишни йўлга қўйдик.

Кенгаш томонидан бир қатор онлайн танловлар ҳам эълон қилинган. Хусусан, ёшларни карантин даврида уйларида қолиб, ўз томорқасидан самарали фойдаланишга ундайдиган “Менинг обод томорқам” танловида йигит-қизлардан ўз томорқасидан унумли фойдаланаётгани, унга ишлов бериб, экин экаётган жараёнлари акс этган фотосурат ва видеоларни @mening_obod_tomorqam телеграм манзилимизга юборишлари сўралган. 15 майга қадар давом этадиган мазкур танлов ғолиблари кенгаш томонидан муносиб тақдирланади.

— Жорий йилнинг 28 апрель куни Президентимизнинг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда аграр соҳани жадал рақамлаштириш бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилди. Айни пайтда қишлоқ ва фермер хўжаликларида замонавий технологиялардан фойдаланиш қай даражада йўлга қўйилган?

— Чиндан ҳам, бугунги глобаллашув жараёни дунё бозоридаги рақобатни янада кучайтираётган бир пайтда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва жаҳон бозорларида мустаҳкам ўринга эга бўлиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришда замонавий технология ва инновациялардан фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида яққол кўзга ташланади.

Сўнгги йилларда юртимиз қишлоқ ва фермер хўжаликларида замонавий суғориш технологиялари, жумладан, экин майдонларини томчилатиб суғориш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур усул деҳқонларга сув ресурслари етишмаслик шароитида кам сув сарфлаб, юқори ҳосил олиш имконини беради. Технология электрон тарзда бошқарилади, натижада сув ҳар бир экиннинг муайян даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда берилади. Томчилатиб суғоришда бошқа суғориш усулларига нисбатан 20 фоиздан 80 фоизгача сув тежалади. Тупроқнинг унумдор қатлами тозаланиб келингани боис, далада бегона ўтлар уруғлари оқиб келмайди ва даланинг ўт босиш даражаси кескин камаяди. Сув ҳар бир экиннинг тагига етиб бориши ҳисобига боғ ва токзорларда ҳосилдорлик 40 фоизгача, сабзавот майдонларида эса 80 фоизгача ортади. Ҳосил одатдагига қараганда, 10-15 кун эрта пишади.

Боғбонларимиз ҳам ҳозирги кунда боғ ва дала неъматларини сифатли сақлашга мўлжалланган замонавий омборлар, совитиш ва музлатиш ускуналари, илғор техника ҳамда технологиялардан унумли фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2018 йил 20 ноябрдаги “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида барча ҳудудларда замонавий гидропоника усулидаги иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Гидропоника — қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва тежамкорликка эришиш йўлидаги инновацион технологиялардан бири бўлиб, у тўлиқ автоматлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Бундай ихчам ва самарадор иссиқхоналар тежамкор энергия, суғориш ва озиқлантириш тизимига эга бўлгани боис, уларда оддий иссиқхоналарга нисбатан ҳосилдорлик анча юқори бўлади.

— Ёш фермерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича бугун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозир юртимизда жами 80134 та фермер хўжалиги, 47192 та деҳқон хўжалиги мавжуд. Шундан 11051 таси ёш фермерларга тегишли. Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши ўз фаолиятини бошлаган илк кунлардан фермерликка қизиққан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг соҳадаги билимини ошириш, фаолиятига хорижий тажриба ва замонавий технологияларни жалб этишга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Фермер хўжалигини ташкил этиш истагидаги ёшларнинг аксарияти имконият ва тажрибасининг етишмаслиги сабабли тендерларда ютқазиб қўйиши натижасида қишлоқ хўжалигига бўлган қизиқиши тез сўниб қоларди. Шу каби масалалар ечими юзасидан ёшларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши томонидан тегишли ташкилот ва вазирликларга айрим қонун ва қарорларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича бир қатор таклифлар тақдим этилди.

Ушбу таклифлар асосида “Ер кодекси” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда деҳқон хўжалигига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан мерос қилиб қолдириладиган ер участкаси туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгаши тавсияномасига эга ёш фуқароларга тақдим этилади. Илгари бундай участкалар фақат оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларгагина тақдим этилар эди.

Шунингдек, фермерликка қизиққан ва фаолиятини эндигина бошлаган ёшларнинг соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида кенгаш томонидан “Барчаси ёш фермерлар истиқболи учун”, “Фермер — фермерга”, “Ёш фермерлар инновацион ривожланиш йўлида”, “Ёш асаларичи”, “Қишлоқ хўжалигида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” каби лойиҳалар ишлаб чиқилган. Халқаро ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида ҳозирга қадар 100 дан ортиқ ёш фермер хорижий мамлакатларда ўз малакасини ошириб қайтди.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги стартапларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Германиянинг Жамғарма кассалари фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши ва бир қатор банклар билан ҳамкорликда “Айланма кредит фонди” ташкил этилди. Биринчи босқичда жами 345 000 евро маблағ Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида 100 га яқин ёш учун имтиёзли кредит сифатида тақдим этилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 2017 йилда ёш фермерлар сони 4356 нафарни ташкил этган бўлса, кейинги икки йил давомида 11051 нафарга етди.

Бир сўз билан айтганда, бугун соҳада яратилаётган кенг имкониятлар самараси ўлароқ, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, хусусан, фермер хўжаликларида фаолият юритаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу эса мазкур тармоқни ёш кадрларнинг илғор ғоялари, янгича қарашлари ҳамда замонавий технологиялар ёрдамида янада ривожлантириш, пировардида халқимиз дастурхони тўкин-сочин, турмуши фаровон бўлишига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

Бандлик

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

ёхуд Жиззах вилоятида ёшлар бандлиги қандай таъминланмоқда?

Худойберди КАРИМОВ,
журналист

Президентимиз 2019 йилнинг 27 декабрь куни пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказилган учрашувда йигит-қизлар бандлигини таъминлаш, уларга касбига мос иш ўринлари яратиб бериш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаган ва мутасаддиларга бу борада топшириқлар берган эди. Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ўша тадбирда воҳадаги вақтинчалик ишсиз ёшларнинг бандлиги масаласи бўйича манзилли режа тасдиқланиб, унинг ижросини таъминлашга қаратилган “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

— Бугунги кунга келиб, вилоятда иш билан банд бўлмаган, яъни таълим муассасаларини тамомлаб, ишсиз юрган, уюшмаган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, имконияти чекланган 28 минг 700 нафар ёш рўйхатга олинган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Байрамбек Узоқов. — Манзилли режага асосан, уларнинг камида 20 мингга яқини ёки 70 фоизини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бизнинг идорамиз ҳузурида ташкил этилган мониторинг штаби зиммасига жойларга чиқиб, мутасаддилар ва ёшлар билан учрашиш, уларнинг режа ва имкониятларини ўрганиш, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юкланган.

Дарҳақиқат, бутун вилоят бўйлаб ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган манзилли режани якунига етказиш, унинг ижросини таъминлаш йўлида ишлар авж олган. Халқ депутатлари шаҳар ва туманлар кенгашларининг қарорига биноан, ҳудудларда ҳам ишчи ва мониторинг штаблари ташкил этилгани бу борадаги юмушларнинг янада самарали бўлишига замин бўлмоқда. Қисқа муддат ичида 5,5 минг нафарга яқин ёшнинг бандлиги таъминланганини ҳам буни тасдиқлайди. Айниқса, Шароф Рашидов, Арнасой, Пахтакор, Зарбдор ва Ғаллаорол туманларида ёшларнинг ҳам ўзи ва оиласи, ҳам жамият учун фойдали юмуш билан шуғулланишининг кафолатланаётгани таҳсинга лойиқ.

— Биз ёшларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, касаначилик, ҳунармандчилик соҳаларига, қурилиш отрядларига, қишлоқ хўжалиги тармоқларига ишга йўллаяпмиз, — дейди ишчи штаб аъзоси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти кенгаши раиси Дилмурод Худойшукуров. — Вилоятимизда аввалги йиллар тажрибаларидан келиб чиқилган ҳолда “Yoshlar — kelajagimiz”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастурлари доирасидаги юмушларни давом эттириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди. Бир қатор манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида чекка шаҳар ва туманларда ташкил этилиши режалаштирилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Таъкидлаш керакки, бандликни таъминлаш борасидаги ишларнинг янада самарали бўлишига эришишда ўз фаолиятини бошлаётган йигит-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади. Мисол учун, жорий йилда биргина “Yoshlar — kelajagimiz” давлат дастури орқали 106 та лойиҳани амалга ошириш ва бунинг учун 15 миллиард сўм маблағ ажратишга келишганмиз. Бу эса қўшимча равишда камида 400 нафар ёш иш билан таъминланади, деган гапдир.

Шу ўринда вилоятнинг қарийб барча туманларида кенг тус олаётган “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси ҳақида эслаб ўтиш ортиқчалик қилмайди. Ушбу лойиҳа доирасида шу пайтгача кўпчиликнинг эътиборида бўлмай, деярли ташландиқ ва эгасиз ётган юзлаб гектар ер майдонларида ҳашар йўли билан экинзор ва боғлар ташкил қилинмоқда. Заминга минглаб туп мевали дарахт кўчатлари қадалмоқда. Бугунгача пандемия туфайли карантин жорий этилган бўлса-да, Янгиобод, Зомин, Бахмал туманларида ана шу янги боғларнинг 365 гектари ёшларга тақсимланди. Ёш боғбонлар бу кўчатлар вояга етгунча, уларнинг қатор ораларида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш имкониятига эга бўлмоқда. Муҳими, шундай йўл тутилганда, қулай имконият вужудга келади: бир томондан, ер эгаси бўлган шахс бу ерда ишлаб, даромад топса, иккинчи тарафдан, экилган дарахт ниҳоллари доимий эътиборда бўлиб, баравж ўсиши таъминланади.

Бу борада, айниқса, Фориш туманида амалга оширилган ишларни алоҳида қайд қилиш ўринли. Жорий йилда ҳудуднинг 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4 минг 185 нафар йигит-қизи узумчилик, балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик, туячилик, туяқушчилик сингари тармоқларда иш бошлаши кутилмоқда. Ортда қолган бир, бир ярим ой ичида эса уларнинг 320 нафарига “Рамазон Карим”



Жорий йилда ҳудуднинг 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4 минг 185 нафар йигит-қизи узумчилик, балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик, туячилик, туяқушчилик сингари тармоқларда иш бошлаши кутилмоқда.

қишлоқ хўжалиги кооперативи, “Лаззат-Кафолат” ва “Фориш Агро Нурафшон” агрокластерларига қарашли майдонларга экилган янги узумзорлар орасидан бир гектардан ер ажратиб берилиб, деҳқончилик қилишлари учун шароит яратилди.

Жиззах ёшлари бандлигини таъминлаш ишига вилоятда фаолият юритаётган давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалар, мулкчилик кўриниши турлича бўлган бошқа меҳнат жамоалари ҳам ҳиссаларини қўшиши белгилаб қўйилди. Тасдиқланган режага биноан, улар 4 минг 100 нафардан ортиқ ёшни фойдали ишга жалб қилишлари лозим бўлади.

Ёшлар бандлигини таъминлаш куннинг долзарб масалаларидан бири эканини яхши англаган вилоят транспорт бошқармаси, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, мактабгача таълим бошқармаси, Жиззах давлат педагогика институти масъуллари томонидан эришилаётган натижалар бу борадаги имкониятлар катта эканини амалда исботламоқда. Ушбу жамоалар зиммасидаги ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги ярим йиллик режани қарийб бажариб қўйди.

Бироқ бу муҳим ишни пайсалга солаётганлар ҳам бор. Жумладан, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, “Жиззах ҳудудий пахта терминали” МЧЖ, ширкат “Автойўл” ҳудудий корхонаси каби жамоаларда бирорта ҳам ёшнинг иш билан таъминланмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юрт ёшларига ўзлигини намойиш этиш учун шарт-шароит яратиб бериш, уларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган муаммоларга теранроқ назар солиш барча тоифадаги масъуллар, ҳамма раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз саналадиган кун келди. Зеро, ёшлар билан ишлашни қоғоздан амалга кўчириш, тизимли йўлга қўйиш билангина кутилган натижалар қўлга киритилади.

Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига 2018 йил 2 мартдаги ташрифи чоғида ҳудудда ҳар бир соҳага илм олиб кириш, айниқса, қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиш, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг томорқалардан унумли фойдаланишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқиш бўлим олимларининг устувор вазифаларидан бири экани алоҳида таъкидланган эди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 май, 73-сон

Илм-фан ва амалиёт

ТОМОРҚАДА ДОРИВОР ГИЁҲЛАР ЕТИШТИРИЛАДИ



Аброр УМАРҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўн сотихли томорқадан унумли ва самарали фойдаланиш орқали нафақат яшаш учун бирламчи зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, балки оила бюджетини бутлаб, иқтисодий барқарорликка эришиш мумкинлигини тадбиркор-миришкорлар амалда исботлади. Лекин бундай ишбилармон кишилар томорқага эга жами оилалар сонига нисбатан жуда кам.

Айрим “ер эгалари”ни боқимандалик кайфиятидан қутқариб, уларга ер билан тиллашиш илмини ўргатиш, шу билан бирга, бозор талабларини тушунтириш кераклиги ҳам айни ҳақиқат. Хўш, буни ким ўргатади? Ҳокимлик вакиллари уйма-уй юриб, “уни эк, буни эк”, дея кўрсатма бергани билан эртага бирор натижага эришолмаган томорқачи ҳаммасига қўл силтаб, тузукроқ иш топилмаганидан нолиши ҳам бор гап.

Шу йилнинг 8 апрель куни Президентимиз раислигида коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон ўз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, даромадларини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилаш учун катта захира ва имкониятларга эга экани таъкидланган эди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Навоий бўлими аҳолини томорқадан фойдаланишга ўргатиш масаласига ўзига хос тарзда ёндашди.

— Шу йилнинг эрта баҳоридаёқ қишлоқ аҳлида томорқадан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва унга оила бюджетининг қўшимча даромад манбаи сифатида қарашга ўргатиш мақсадида томорқада доривор ўсимликларни экиш таклифини бердик, — дейди ЎзФА Навоий бўлими раиси, геология-минералогия фанлари доктори Абдураззоқ Мирзаев. — Бунинг учун Нурота туманининг чекка қишлоқлари аҳолиси ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордик ва хоҳловчиларга доривор ўсимликлар уруғлари текин етказиб берилди. Бўлимнинг ёш олимлари уруғларни экиш технологияси билан таништириш мақсадида хонадонлардаги 0,5-1 сотих ерга ишлов бериб, экиб кўрсатди.

Шу йилнинг март ойида навоийлик олимлар томонидан Нурота туманининг ўн иккита қишлоғида ўтказилган маҳорат машғулотларида мойчечак (ромашка) ва тирноқгул (календула) уруғлари аҳолига текин тарқатилди. Шу билан бирга, уларга агротехник ишлов бериш бўйича ишлаб чиқилган йўриқнома тарқатилди. Аҳоли билан тузилган шартномага мувофиқ, доривор ўсимликлар ҳосилини Фанлар академияси Навоий бўлими келишилган нархда сотиб олади. Шундан сўнг бўлим ҳудуддаги тадбиркорлар билан ҳамкорликда бу доривор ўсимликларни қайта ишлайди.

— Президентимиз томонидан шу йил 10 апрелда қабул қилинган “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори саъй-ҳаракатимизни янада кенгроқ ва самарали амалга ошириш имкониятини беради, — дейди Абдураззоқ Мирзаев. — Қарорга мувофиқ, таълим муассасаларида, одамлар кенг фойдаланадиган жамоат жойларида фитобарлар ташкил этилади. Бу юртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Энг асосийси, энди томорқаларда етиштирилган доривор ўсимликларни сотиб олишга талаб пайдо бўлади, ҳеч бўлмаганда, аҳолининг ўзи ҳам улардан дамлама тайёрлаб ичса, соғлиғи учун фойдали бўлишини англаб етади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навоий бўлими 2017 йили ташкил этилган бўлиб, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш орқали ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қиляпти. Бўлимда бешта йўналиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилади. Шулардан бири қишлоқ хўжалигига оид изланишлардир. Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига 2018 йил 2 мартдаги ташрифи чоғида ҳудудда ҳар бир соҳага илм олиб кириш, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг томорқалардан унумли фойдаланишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқиш бўлим олимларининг устувор вазифаларидан бири экани алоҳида таъкидланган эди. Ушбу топшириқларни бажариш борасида навоийлик олимлар ташаббусни ўз қўлларига олган.

“Жарма” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 75 ёшли Остонақул бобо Худойбердиев ўз томорқасининг 3,5 сотихида картошка ва сабзавот экинлари, шунингдек , 2 сотихида доривор ўсимликлар етиштиряпти.

— Ҳадисини олганга томорқа кони фойда, — дейди Остонақул бобо. — 10 сотихдан ортиқроқ томорқамиз бор. Ҳар йили помидор, сабзи, картошка сингари маҳсулотлар экамиз, лекин турли касалликлар туфайли кўзланган ҳосилни ололмасдик. Ўтган йили олимлар келиб, сабзавотларни парваришлаш, уларнинг касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш бўйича тавсиялар берди. Ҳатто ўзлари яратилган янги, самарали препаратларни текинга берди. Ҳосилимиз яхшиланди. Ортиқчасини бозорда сотиб, кам-кўстимизга сарфладик. Бу йил тажриба учун доривор ўсимлик ҳам экдик. Бугунги кунда карантин туфайли доривор ўсимликларнинг ўсиши устидан назорат масофавий тарзда, аҳоли билан видеоалоқа воситасида амалга оширилляпти, зарур ҳолларда мутахассислар тегишли маслаҳат ва тавсиялар бермоқда.

Мана шундай мураккаб даврда олимларнинг томорқа эгалари билан самарали ҳамкорликни ташкил этаётгани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлади.

Иш билганга балли!



Наманганлик Дилшод Қамбаров иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампири ва бошқа хил эртаги сабзавотлар ўстириш ва бу зироатлардан мўл ҳосил етиштириш сирларини яхши эгаллаган деҳқон. У бу соҳа билан ўн йилдан бери шуғулланади. Вилоят далаларида деҳқончилик қилган кезлари маҳсулотларини бозорга эрта чиқаришга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Тошкент бозорларини биринчи бўлиб Сурхондарёнинг эртаги маҳсулотлари эгалларди. Дилшод Қамбаров Сурхондарёнинг иқлими ва деҳқонларининг уддабуронлигига ҳаваси келар ҳамда воҳа далаларида деҳқончилик қилиб, эртаги маҳсулот етиштиришни орзу қиларди.

ШЕРОБОД ҚОВУНЛАРИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАДИ

Шу ниятда Дилшод ва бир гуруҳ ишбилармон деҳқонлар 2018 йилда Сурхондарёга келди. Ташаббускорларнинг мақсадларига обдон қулоқ тутган Шеробод тумани раҳбарлари уларга ишонди.

Сувга қулай, инфратузилмага яқин унумдор заминдан 57 гектари ажратилди. Дилшод Қамбаров ва унинг ҳамкорлари “Sherobod Agro Impex” МЧЖни ташкил этиб, янги техникалар олиб келди. Ажратилган ерни текислаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва иссиқхона қуриш бошланди. Ишни охирига етказиш учун тадбиркор деҳқонлар 4,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги шахсий сармоялари камлик қилишини тушунди. Шу боис, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 11,5 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит олинди. Ажратилган заминнинг 23 гектарида бир йил мобайнида замонавий иссиқхона барпо этилди. Ўтган йил ноябрида иссиқхонанинг бир гектарлик кўчатхонасида помидорнинг “Пинк парадайс” япон нави уруғи экилиб, 188 минг туп кўчат етиштирилди ва иссиқхонанинг 8 гектар ерига ўтқазилди. МЧЖга “Ғуржак-1” маҳалласидаги ишсиз 85 нафар хотин-қиз аъзо бўлди. Улар тадбиркор деҳқонларнинг тавсияси асосида мўл ҳосил етиштириш учун ниҳолларни намунали парваришлади.

Айни пайтда шиғил-шиғил ҳосил туккан ниҳолларнинг пишган меваси пешма-пеш терилиб, Россияга экспорт қилиняпти.

— Уруғи Япониядан келтирилган помидор жуда серҳосил бўлади. Биз бу нав помидорни аввал Наманган вилояти заминида ҳам ўстириб, катта даромад олганмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Дилшод Қамбаров. — Ҳозиргача 150 тонна сархил помидорни экспортга жўнатдик. Иссиқхонанинг ҳар гектаридан июль ойигача 150 тоннадан йиғиб оламиз. Пишиб етилган ҳосилнинг 80 фоизини экспортга юклаётган бўлсак, 20 фоизи ички бозорга чиқариляпти.

Тадбиркор деҳқонлар 21 гектар майдонда ўстирган шивит ҳам пешма-пеш россиялик ҳамкорларга жўнатиляпти.

Заминнинг ҳар қаричидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётган тадбиркорлар Шеробод иқлим шароитида қайси экинлардан юқори ҳосил олиш йўлларини билиш учун тажрибали ва кекса деҳқонлардан доимий маслаҳат олиб туради. Сурхондарёда Шероботнинг тилими тилни ёрадиган қовунлари азал-азалдан машҳур бўлган. Миришкор оқсоқоллардан қовун етиштириш тажрибаларини ўрганган тадбиркорлар 28 гектар очиқ майдонда, бироқ плёнка остида “мозайн” ва “докаро” навли қовун уруғини экканди. Авжи баланд палаклар гуллаб, ҳосил туга бошлади. Май ойининг ўрталарида пишадиган қовунларнинг асосий қисми экспортга мўлжалланяпти.

— Банкдан олинган кредитни тезроқ қайтариш учун хориждаги ҳамкорларимиз талаб-таклифларини инобатга олган ҳолда, асосан, сифатли ва экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш чораларини излаяпмиз, — дейди тадбиркор Дилшод Қамбаров. — Шу кеча-кундузда 85 нафар ишчи иссиқхонанинг 15 гектарида турфа зироатлар уруғини экиб, парваришлаяпти. Ҳадемай кўчатлар очиқ майдонларга кўчириб ўтқазилади.

Шеробод тумани аҳолиси томорқаларида анор етиштиришга одатланган. Кўпчилик томорқаларидаги буталардан мавсумда 5-6 тоннагача ҳосил олади. Уларнинг меваси ширин ва сархиллиги билан харидоргир. Бироқ маҳаллий боғбонлар айни пишиқчилик пайти анорни икки-уч ойдан зиёд сақлай олмайди ва, асосан, ички бозорда сотади. Бу вазиятни чуқур ўрганган “Sherobod Agro Impex” МЧЖ тадбиркорлари анор пишиғигача қайта ишлаш цехини қуриш ҳамда логистика маркази ташкил қилиб, анор ва ундан олинадиган шарбатни махсус идишларда қадоқлаб, экспортга чиқариш ҳаракатини бошлаган. Агар бу иш амалга ошса, томорқачи боғбонлар мўмай даромадга эга бўлишлари баробарида туман иқтисодига ҳам катта наф келтиради.

Ташаббус

“МИНГ ОИЛАГА — МИНГ ТУҲФА!”

Ҳосил КАРИМОВ,
журналист

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли карантин эълон қилинганига қарамай, соҳаларда иш тўхтаб қолгани йўқ. Шукрки, иқтисодий ўсиш давом этмоқда. Айниқса, савобли ишлар ҳар доимгидан ҳам кенг қулоч ёзди.
Эрта баҳорда Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ижтимоий ҳимояга муҳтож, бемор ва ногиронлиги бўлган, якка-ёлғиз, эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Минг оилага — минг туҳфа!” ижтимоий хайрия акцияси бошланди. Акция доирасида эҳтиёжманд оилаларга бир бошдан соғин сигир бериляпти.



Мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги томонидан саховатпеша инсонлар, ҳомийлар ва корхона-ташкилотлар кўмагида мингта кам даромадли оиланинг ҳар бирига соғин сигир ҳадя қилиш кўзда тутилган.

Сигири бор уйда барака бўлади, деган гап бежиз айтилмаган. Сигирнинг сути, ёғи, қатиғи оилага зарур. Ортиқчасини бозорда сотса, оила бюджетига фойда. Оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида сигир олган ҳар бир хонадоннинг уй бекасига меҳнат дафтарчаси очилади. Яъни уларга иш стажи юритилади. Шу билан бирга, хонадонларга тадбиркорлар бириктирилди, улар сигирнинг озуқасидан хабар олишга, сут ва ёғини сотишга кўмаклашади.

Меҳр-саховат тадбири дастлаб Оққўрғон туманидан бошланиб, камбағал ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг 47 тасига турмуш шароитини яхшилаб олиши учун бир бошдан соғин сигир топширилди.

— Бизга кўрсатилган бу юксак мурувватдан кўзларимга ёш келди, — дейди Оққўрғон туманидаги “Зарбдор” маҳалласи фуқароси Нигора Қодирова. — Севинганимдан йиғлаб юбордим. Кутмагандим, тўғриси. Шундай бағрикенг, одамийлик, оқибат, хайр-саховат устун юртда яшаётганимга яна бир бор шукроналар айтдим. Биринчи навбатда, биз каби муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаётган, камбағаллигимизни аритаман, деб туну кун заҳмат чекаётганларга чексиз ташаккурлар айтдим. Энди бизнинг ҳам сигиримиз бор, уйимизга ҳам барака кирди, оғзимиз оққа етди. Минг раҳмат.

Бўка туманида ҳам акция доирасида 30 та оилага саховатпеша фермер ва тадбиркорлар ҳомийлигида қорамол улашилди.

— Очиғи, сигир-бузоқли бўлиш тушимга ҳам кирмаганди, — дейди “Рамадон” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Наргиза Бойтўраева. — Турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг уч фарзандимни ёлғиз аёл бошим билан тарбиялаб келяпман. Кекса қайнонам ҳам менинг қарамоғимда. Қийин бўлар экан, ночорликдан оиламиз анча мушкул аҳволга тушиб қолганди. Мана, энди рўзғоримизга барака кирди. Ўзимизни тиклаб олишимиз учун айни муддао бу. Айниқса, бугунги синовли кунларда фақат ўзини эмас, ўзгаларни ҳам ўйлаётган барча мурувватли инсонларга бошим ерга теккунча таъзим қиламан.

Тошкент, Қуйи Чирчиқ, Зангиота, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл, Бўстонлиқ ва бошқа туманлардаги камбағал ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳам ушбу акция доирасидаги бундай инсонпарварлик ёрдамидан баҳраманд бўлди.

— “Минг оилага — минг туҳфа!” ижтимоий хайрия акциясини ўтказишдан асосий мақсад вилоятимизда камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларни фаол қўллаб-қувватлашдан иборат, — дейди Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Беҳзод Қобулов. — Соғин сигир туҳфа қилинган оилалар бундан буён доимий эътиборда бўлади. Яъни қорамолларни боқишлари учун ем-хашак етказиб бериш, сут маҳсулотларини реализация қилишлари учун харидорларни топиш масалаларида ҳам туманларимиз ҳокимликлари томонидан доимий равишда кўмак бериб борилади. Улар бу борада муаммога дуч келмайди.

Тошкент вилоятида камбағалликни қисқартириш борасида кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, юқоридаги хайрия акцияси улардан бири, холос. Акция юқори кўтаринкиликда, уюшқоқлик билан давом этмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 май, 73-сон

Миллий урф-одатларимизга эътибор қаратсак, халқимиз азалдан сув йўллари, ҳовузларнинг озодалигига алоҳида эътибор бергани ва ҳар йилги умумхалқ ҳашарларида, аввало, сув йўллари тартибга солинганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, аҳолининг озодаликка риоя қилиши, касаллик тарқатувчи чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантириш ишлари маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилик фаоллари томонидан қаттиқ назорат қилинган.

Кун мавзуси



Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти илмий ходими

Ўзбеклар азалдан соғлиқни сақлаш борасида ўзига хос анъана ва тарбиявий руҳдаги қоидаларига эга халқдир. Коронавирус пандемияси жаҳон миқёсида қутқу солаётган айни пайтда миллий урф-одат, анъаналаримизнинг аҳамияти беқиёс. Ҳозир юртимизда аввалдан мавжуд бўлган қўлни кўксига қўйиб саломлашиш, уйга меҳмон келганда қўлига сув қуйиш, жамоат жойларида масофа сақлаш, мева-сабзавотларни кўп истеъмол қилиш каби урфларимизни янада мустаҳкамлаш даври.
Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, оммавий эпидемиялар, юқумли касалликларни енгишда халқнинг, жамиятнинг бирдамликда тўғри йўлдан оғишмай амал қилиши муҳим саналади. Ўзбекларнинг соғлом турмуш тарзи қоидалари шаклланишида динимизнинг поклик, тозаликка доир ўгитлари, Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино каби тиб илми вакилларининг таъсири беқиёс.

САЛОМАТЛИКНИ АСРАШ КЎҲНА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДА АКС ЭТГАН

ЁХУД ЎТМИШ ТАЖРИБАСИ ВА БУГУНГИ СТРАТЕГИЯ ХУСУСИДА

ТАРИХ НИМА ДЕЙДИ?

Азалдан халқимиз поклик, тозаликка алоҳида эътибор қаратган, саломатликка зид хатти-ҳаракатлардан тийилиш тарбиянинг бир бўлаги ҳисобланган. Жумладан, тарихимизга оид қадимий манбалардан бири — “Авесто”га кўра, аксарият юқумли касалликлар инсонларнинг тозаликка риоя қилмаслиги, бепарволиги натижасида пайдо бўлади. Шу сабабли гигиена қоидаларига амал қилиш қатъий белгиланган. Инсонлар бир кунда юзини, қўлини бир неча марта ювиши, барча тана аъзоларини тоза сақлаши шартлиги алоҳида уқтирилган. Шунингдек, шахсий гигиена воситаларини алоҳида сақлаш ва вақти-вақти билан махсус суюқликда тозалаш буюрилган. Ўша даврда аждодларимиз тупроқ, сув, ҳаво ва оловни ифлослантириш охир-оқибатда тузатиб бўлмас касалликларга сабаб бўлишини англаб, ҳатто вафот этган инсон танасини ҳам одамлар яшайдиган жойдан йирокда сақлаган. “Авесто”нинг “Вендидод” қисмида замин, хона, инсон танаси, кийим-кечак, озиқ-овқатларни покиза тутиш ва сақлаш қоида сифатида алоҳида қайд этилган.

Ислом дини қоидалари асосида халқимизнинг тозалик, поклик ва хасталар билан мулоқотига оид одоб-ахлоқ қоидалари янада такомиллашди. Ҳадисларда “Вабо бор жойга борманг, сиз яшаётган жойга вабо келса, қочиб кетманг”, дейилган бўлса, касалликнинг тарқалиш сабаблари ҳақида тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино бундай юқумли касалликлар одамлар бир-бирига жуда яқин бўлган вазиятда тез ёйилишини ёзиб қолдирган. Яъни уйида қолган одам вабога чап берган. Кўчага чиққанлар эса касалликка тутилган.

Яқин тарихга назар солсак, XIX аср охири — XX аср бошларида мамлакатимиз ҳудудида чечак, вабо, безгак каби юқумли касалликлар тарқалган. Тиббиёт ходимлари билан маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакилларининг халқни бирлаштириши ҳамда касалликдан қутулиш йўлларини тарғиб этиши натижасида халқимиз аждодлардан мерос юксак фазилатларини намоён қилиб, ўша синовларни енгиб ўтган. Жумладан, 1889 йилда Бухорода даҳшатли вабо тарқалиб, халққа кўп талафот етказган. Бунга, асосан, ўша пайтдаги ҳукуматнинг аҳоли ўртасида етарли ташвиқот ишларини олиб бормагани ва маҳаллий анъаналар билан ҳисоблашган ҳолда тизимли кураш йўлини ишлаб чиқмагани сабаб бўлган. Аммо 1892 йили ушбу шаҳарда вабо яна қайта бош кўтаргандан сўнг аҳолини касалликдан сақланиш тартиби билан яқиндан таништириш натижасида кам талафот кўрилган ва касаллик бартараф этилган.

XX аср бошларида тарқалган безгакни бартараф этиш мақсадида умумхалқ ҳашари орқали касаллик ўчоғи бўлган яроқсиз ариқ ва ҳовузлар тозаланади, натижада ўлатнинг оммавий тарқалиши тўхтатилади.

Миллий урф-одатларимизга эътибор қаратсак, халқимиз азалдан сув йўллари, ҳовузларнинг озодалигига алоҳида эътибор бергани ва ҳар йилги умумхалқ ҳашарларида, аввало, сув йўллари тартибга солинганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, аҳолининг озодаликка риоя қилиши, касаллик тарқатувчи чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантириш ишлари маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилик фаоллари томонидан қаттиқ назорат қилинган.

Тошкентдаги “Вабо исёни” номи билан машҳур воқеалар, Самарқандда 1916 йилда тарқалган вабо касаллигини енгишда ҳам халқнинг маҳаллий табиб ва шифокорлар билан бирдамликда ҳаракат қилиши ижобий натижа келтирган. Барча даврларда халқнинг бошига оғир синовлар тушганда ночор қолган оилаларга ҳомийлик қилиш, одамларнинг бир-бирига моддий ва маънавий кўмак бериши одат тусига кирган.

БИРДАМЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ЗАРУР

Бугунги кунда мамлакатимизда коронавирус тарқалиши тўла назоратга олинган ҳамда бу касалликни тезроқ ва самарали енгиб ўтиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ўтмишда саноқли табиб ва шифокорлар ўз яқинлари ва танишларидан ортмаган ҳолда, касалликка қарши курашган ва шунга яраша натижага эришган бўлса, ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудини касалликка қарши ҳимоя воситалари, дори-дармонлар ва малакали мутахассислар билан таъминлаш давлат даражасидаги долзарб масалага айланган.

Давлатнинг бу борада олиб бораётган ислоҳотлари ночор оилаларга моддий кўмак бериш, пандемия сабаб турғун ҳолатга келган иқтисодиёт секторлари, жумладан, тадбиркорлик субъектларини тизимли қўллаб-қувватлаш, касалликка чалинган ва карантинга олинганлар учун махсус марказ ва шифохоналар қуриш кабилар мисолида намоён бўлмоқда.

Президентимиз бот-бот таъкидлаганидек, бу хасталикни енгиб ўтишда халқдан талаб этиладиган биргина вазифа — мавжуд қоидаларга амал қилиб уйда ўтириш. Чунки қолган барча чора-тадбирлар ҳукумат томонидан амалга оширилмоқда.

Азиз ватандош, бугун сиз нафақат ўзингиз, оилангиз, яқинларингиз, балки ўттиз тўрт миллион ватандошимиз, халқимиз келажаги учун дахлдор инсонга айландингиз. Сизнинг бугун уйда қолишингиз туну кун хизмат қилаётган фидокор шифокорларимиз, Миллий гвардия, ички ишлар идоралари ходимларининг ақалли бир кун, бир соат олдинроқ уйга қайтишига, оиласи, фарзандлари бағрига эртароқ боришига имкон беради.

Мушоҳада

ИҚТИСОДИЙ ИММУНИТЕТ

барқарор ривожланишни таъминлаш қобилиятидир



Акмал АБДУВОҲИДОВ,
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

Ривожланишнинг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Иқтисодий иммунитет – бу алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётининг реал воқеликда фавқулодда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-экологик каби хавф-хатарларга қарши кураша олиш, уларнинг иқтисодиётга салбий таъсирини тезда бартараф этган ҳолда барқарор ривожланишни таъминлай олиш қобилиятидир”.

Ҳозирги коронавирус инқирози шароитида дунёда барқарор ривожланиш тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу борада давлатлар қатор ҳужжатлар ва дастурлар қабул қиляпти ва барча саъй-ҳаракатларини мазкур йўналишга сафарбар этяпти.

Бу тушунчанинг қамрови кенг. Энг аввало, барқарор ривожланиш келажак авлодларнинг эҳтиёжлари қондирилишини шубҳа остига қўймаган ҳолда, бугунги эҳтиёжларнинг самарали тарзда қондирилишини ифода этади. Уни таъминлашнинг зарурий талабларидан бири қашшоқлик ва унинг барча кўринишларига барҳам бериш ҳисобланади. Бунинг учун барчага бирдек қўшимча имкониятларни тақдим этиш, аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, ижтимоий тараққиёт ва интеграциялашувга кўмаклашиш, аҳолининг базавий турмуш даражасини ошириш, табиий ресурслар ва экотизимлардан мувозанатли фойдаланиш ва уларни оқилона ўзлаштириш имконини берувчи кенг қамровли ва барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш талаб этилади.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг 14 апрель куни эълон қилинган прогнозига кўра, 2020 йилда глобал иқтисодиётнинг пасайиши 3 фоизни ташкил қилади. Бу глобал иқтисодиёт 0,08 фоиз қисқарган 2009 йилдан кейинги биринчи жаҳон рецессияси бўлади. 2020 йилда инқироз 157 та мамлакатда қайд этилади. АҚШ иқтисодиёти 5,9 фоиз, еврохудудники 7,5 фоиз пасаяди, Хитойда эса ўсиш 1,2 фоизгача секинлашади.

ХВЖ бош иқтисодчиси Гита Гопинатнинг таъкидлашича, ҳозирги инқироз аввалгиларига ўхшамайди. Иқтисодий ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар, эҳтимол, 2008-2009 йилларда глобал молиявий инқирозни келтириб чиқарган зарардан анча кўпроқдир. “Бу йил дунё иқтисодиёти Буюк тушкунлик (1929-1933 йиллар) давридан бери энг чуқур рецессияни бошдан кечириши эҳтимолдан холи эмас”, дейди Гопинат. У 2020 йилги инқирозни “Буюк ўзини ўзи изоляция қилиш” ёки “Буюк карантин” деб аташни таклиф этмоқда.

“Эпидемиологик инқироз натижасида жаҳон ялпи ички маҳсулотининг умумий йўқотиши 9 триллион долларгача етиши мумкин”, дейилади ХВЖ материалларида. Шунингдек, халқаро молиявий идора коронавирус билан боғлиқ вазиятнинг ривожи бўйича муқобил ҳамда пессимистик сценарийларни ишлаб чиқди. Масалан, пандемия 2020 йилнинг иккинчи ярмида ҳам тўхтамаслиги мумкин, бу ҳолда глобал иқтисодиёт янада пасаяди — жорий йилда 6 фоизга. Агар пандемия 2021 йилда давом этса, глобал ЯИМ кетма-кет иккинчи йил пасайиши мумкин — яна 2,2 фоизга. 2021 йилда, ХВЖ бошланғич сценарийсига кўра, дунё иқтисодиёти пандемиядан тез тикланиб, 5,8 фоиз ўсади. Бу дунёда 1980 йилдан бери рекорд даражадаги иқтисодий ўсиш бўлади.

ХВЖ Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишлари бўйича янги прогнозларини ҳам эълон қилди. Унга кўра, 2020 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати 1,8 фоизни ташкил қилади. Лекин 2021 йилда 7 фоизга чиқади. Инфляция 12,6 фоиз, келгуси йилда 10,6 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

Йиллик ялпи ички маҳсулоти қарийб 21 триллион долларни ташкил этувчи АҚШ федерал захира тизимини қўллаб-қувватлаш ва унинг ликвидлигини таъминлаш учун қўшимча 4 триллион доллар сарфлашни кўзламоқда. Умумий ҳолатда АҚШ ҳозирги инқироз шароитида иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун мамлакат тарихида мисли кўрилмаган 6 триллион доллар маблағни йўналтирмоқда.

Европа Иттифоқи инқирозга қарши курашиш чора-тадбирларининг биринчи босқичида еврохудудга кирувчи мамлакатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 триллион евро маблағ жалб этяпти. Бу маблағлар, биринчи навбатда, соғлиқни сақлаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий эҳтиёжларга сарфланади.

Умуман олганда, дунё мамлакатлари коронавирус инқирозига қарши курашиш чора-тадбирлари дастурлари доирасида ўз ЯИМининг 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган қисмини йўналтирмоқда. Таҳлилчилар коронавирус пандемияси жиловланмас экан, бу кўрсаткичлар янада ошиши мумкинлигини башорат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш, унинг иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига салбий таъсирини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда 2020 йил 19 мартда Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармон билан Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унга 10 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Мазкур маблағлар, биринчи навбатда, коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишига сарфланмоқда.

Коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал инқирозга қарши курашиш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлар кенг кўлам касб этмоқда. Билимлар иқтисодиётини ривожлантириш, инсон капитали сифатини яхшилаш, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини, айниқса, қишлоқ хўжалигини ресурс тежамкор технологиялар асосида тараққий эттириш, рақамли иқтисодиётни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саноатлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, халқаро иқтисодий ва ижтимоий интеграцион жараёнларда фаол иштирок этишга қаратилган чоралар бунинг амалий мисоли.

Энг муҳими, бандлик, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу мақсадлар учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3,6 триллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозирга келиб нафақа ва моддий ёрдам оладиган болали оилалар сони 595 мингдан 655 мингга, яъни 60 мингтага кўпайтирилди. Карантин даврида Бандликка кўмаклашиш ва Жамоат ишлари жамғармалари ҳисобидан 141 минг 800 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, уларга 43 миллиард 225 миллион сўм иш ҳақи тўлаб берилди. Шу билан бирга, Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари томонидан 219 минг оилага озиқ-овқат ва санитария-гигиена маҳсулотлари тарқатилди.

Кун сайин ўзгараётган вазият аҳоли бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўшимча чоралар кўришни талаб этмоқда. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида махсус жамғарманинг ташкил этилиши ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди.

Пандемик хавф-хатарлар даражасининг тобора ортиб бориши шароитида ҳозиржавоб тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, иқтисодий саводхонлик даражасини яхшилашга қаратилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш, миллий урф-одатлар ва азалий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, фуқаролик жамияти ва жамоатчилик назоратини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорларнинг ҳам аҳамияти катта. Фақат уларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси наинки мутасадди идоралар, балки ҳар биримизнинг кундалик фуқаролик бурчимизга айланиши зарур. Лекин айнан шу вазифалар амалийлигини таъминлашда сусткашлик ва аниқлик етишмаётгани ҳам кўзга ташланиб қоляпти.

Айнан мазкур чора-тадбирларнинг изчил бажарилиши мамлакатимизнинг турли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги барқарор ривожланиш иммунитетини шакллантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 май, 73-сон

Ҳозир айримлар шу ёшдаги фарзанди ёки набирасига қараб, бу эндигина 19 ёшга тўлди, 19 ёш ҳам ёш-да, ҳали булар гўдак-да, деб қўяди. 19 ёшда ҳам одам гўдак бўларканми? Жўрахон эса 19 ёшида қаҳрамон бўлган эди...



Қўчқор НОРҚОБИЛ,
ёзувчи



Ғалабанинг 75 йиллигига

БЎРОНЛАРДА ҚОЛГАН БАҲОРЛАР



(очерк)

Беларусь кимнинг қўлида қолади? Европага йўл очиладими ёки йўқ? Дунё кимнинг қўлида қолади? Башарият аъмолига нима битилган — фашизм дағдағаси остида дир-дир титраб яшайдими ёки ўз аъмолини ўзи белгилаб, озод, инсондай кун кўрадими? Шундай оғриқли ва оғир саволларга эса ҳали жавоб йўқ эди.

Рўй бераж ак ҳал қилув ҳамласининг аҳамиятини ҳар иккала томон ҳам жуда яхши биларди. Қанчалаб жонлар шу дарёга қурбонлик қилиниши борасида Иккинчи жаҳон уруши тарихининг энг даҳшатли, қора саҳифаларига буюк тақдир битик этишга шай турарди: нариги қирғоқ ўлим, бу қирғоқда тирикликка умид, озодликка илинж руҳи шуъла сочиб турарди. Шундай қилиб, бу машъум уруш тарихида "Днепр учун жанг" деган изтиробли саҳифа пайдо бўлди.

Днепр қирғоғидаги Лоев тумани марказини тиш-тирноғигача қуролланган фашист ғазандаларидан тозалаш ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга эди, фашистлар учун бу жойни қўлдан бой бериш Беларусни топшириш, жаҳаннамга қулаш билан баробар эди. Кўп миллатли совет жангчиларининг кўра-била туриб, ўзларини ўлим қаъри — Днепр дарёсига ташлаб, ўққа учиб ўлиб кетишга рози бўлишига эса ғазандалар унчалик ишонмасди ҳам. Бироқ ёвга индамасдан бўйин эгишдан кўра, ўлимни афзал билган жангчилар Днепрни кечиб ўтишга аҳд қилди, қандай бўлмасин, душманга қарама-қарши ҳамла қилиш зарур эди. Жангда тирик қолишни ўйлаш хоинлик, Ватанни сотиш билан баробар эди. Буни ҳар бир аскар қалбан ҳис қиларди, ана шу ҳиссиёт эса жангчиларга чексиз куч-қудрат ато этарди. Фашистлар эса ботиний, сеҳрли матонат ҳар бир жангчида қаердан пайдо бўлганини англолмай, саросимага тушарди, сабаби, қарши ҳужум бошланганди — қўшин ўзини дарёга ташлаганди.

Кун совуқ эди. Кузакнинг рутубатли ҳавоси. Сув муздай. Баданингни тиғдай тиламан, дейди. Қурол-яроғ, юк билан сузиб ўтишнинг ўзи бўлмайди.

Тахтадан ясалган қўлбола сол, елим қайиқлар етишмай қолгач, пичан ғарамларини жамлаб, уларни қаттиқ боғлаб, хашакни қайиқ қилиб, жангчилар ўзларини дарёга уравердилар. Дарё оқимига дош беролмаган пичан уюмлари титилиб, қанчалаб жангчилар сувга ғарқ бўлди, тепадан ўқ ёмғири ёғарди. Ўнг қирғоқ тепалигида мустаҳкам ўрнашиб олган душман дарёдан сузиб ўтишга уринган жангчиларни беаёв ўққа тутар, снарядлар ва гранаталар портлашидан дарё суви лопиллар эди. Бу қиёмат-қойимда 10 000 дан зиёд жангчи ҳалок бўлди. Дарё қурбонлар қонидан қизариб чайқалар, ўқ, бомба ва снарядлар ёғилиши таъсирида Днепр қайнаб-тошиб, минг-минглаб мурдаларни ўз комига тортиб, оқизиб борарди.

"Ўқ ёмғири дастидан сув қайнаганди. Хушназаров биринчилардан бўлиб, ўзини сувга отганди. Бахтига, у дарёнинг жуда чуқур бўлмаган қисмига тўғри келганди. У ўз бўлинмаси билан биринчилардан бўлиб, соҳилга сузиб ўтди. У қирғоққа етгач, граната иргитиб, душман пулемётининг овозини ўчирди ва олдга интилди...". Бу изоҳ бизнинг ватандошимиз, самарқандлик Сафар Хушназаров ҳақида. Бу ҳайратга тўлиқ маълумотлар Днепр қирғоғидаги Лоев шаҳри музейида сақланмоқда. Ўзбек жангчисининг жасорати тарихнинг, Иккинчи жаҳон уруши тарихининг "Днепр учун жанг" дея аталувчи энг изтиробли ва қайғули, шу билан шон-шараф ва жасорат чўққиси, дея аталган ёрқин саҳифасида матонат тимсолида абадиятга муҳрланди.

1943 йилнинг кузида, аниқроғи, октябрь ойининг бошида Днепр дарёсини биринчилардан бўлиб сузиб ўтиб, душманни ер тишлатган, ўлим билан юзма-юз келган 6 нафар ўзбекнинг номи алоҳида тилга олинади. Ҳа, уларнинг ҳар бири дарёнинг турли нуқталарида биринчилардан бўлиб, ўнг қирғоққа ўтиб олди. Уларнинг 6 нафари ҳам кўрсатган мислсиз жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Тасаввур қиляпсизми, Днепрни биринчи бўлиб ўзбек боболаримиз кесиб ўтган. Буни мен айтаётганим, ўзбек эканим учун қўшиб-чатиб бўрттираётганим йўқ, буни тарих гапиряпти, ҳужжатлар сўзлаяпти. Лоев музейи тилга киряпти. Бу 6 нафар бобомизнинг исми-шарифи Лоев шаҳридаги "Днепр учун жанг" Қаҳрамонлар хиёбони мемориал мажмуасида алоҳида лавҳаларда олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Тўғри, жангда қатнашган ҳар бир жангчига қаҳрамонлик унвони берилмаганди. Бироқ кўрсатган жасорати ҳеч бир қаҳрамонликдан кам бўлмаган минглаб ўзбек ўғлонларининг жасорати ҳақида азим Днепрнинг ўзи гувоҳлик беради. Уларнинг қанчаси Днепр қаъридан макон топди, қанчаси бу садпора замин бағрида мангуга кўз юмди. Ҳа, уларнинг номини айтишга, уларнинг сон-саноғи, ҳисобини келтиришга тарих ожизлик қилади. Шундай бўлса-да, уларнинг руҳи Номаълум аскар қабрларида жо бўлгани, ёди юрагимиздан ўрин олгани бизга таскин беради. Ҳа, жасоратга нур ип билан боғланган ёниқ хотира бизга малҳам бўлади.

Азизларим, яхшиси, Днепр дарёсини биринчилардан бўлиб кечиб ўтган, душманга шердай ҳамла қилган 6 нафар Қаҳрамон ўзбегимнинг улуғ номларини келтирайлик. Танишинг: Сафар Хушназаров (1906-1944), Абдусалом Деҳқонбоев (1906-1943), Жўрахон Усмонов (1923-1945), Тўхтасин Бобоев (1923-2000), Шариф Эргашев (1916-1978), Тошмамат Жумабоев (1924-1995). Эътибор берган бўлсангиз, уларнинг уч нафари ўша жангларда ҳалок бўлган. Уч нафари Она Ўзбекистонимизга ғалаба билан қайтган.

Ҳа, улар эл-юрт бошига қора кун тушганда, этик билан сув кечган эр йигитлар эдилар...

"БУ КЎЧА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ФАРЗАНДИ ЖЎРАХОН УСМОНОВ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИ"

Минскда элчихонамиз маслаҳатчиси Дониёр ака Обидов қўлимга бир хат тутганди. Лоев тумани ижроия қўмитаси раиси В.А.Байкова томонидан элчимиз Носиржон Юсупов номига йўлланган ушбу расмий хатнинг мазмуни бундай: Лоев тупроғи муқаддас. У қанчалаб қаҳрамонларни ўз бағрига олган. Бу заминда ўзбекнинг 6 нафар паҳлавон ўғлони жасорат кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Лоев шаҳрининг Қаҳрамонлар хиёбонида, шу туманнинг Дережачи қишлоғида жойлашган Биродарлик қабристонида 6 нафар ўзбек фарзанди ёди ҳам абадийлаштирилган. Шунингдек, Хомченко аҳоли пунктидаги кўча Жўрахон Усмонов номи билан аталади. Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тантанали маросимда Лоев тумани Хомченко қишлоғидаги кўчага "Бу кўча ўзбек халқининг фарзанди Жўрахон Усмонов номи билан аталади", деган лавҳа илиниши режалаштирилган.

Апрель ойида бўлиб ўтган бу катта тадбирга элчимиз ва элчихона ходимлари ҳам таклиф қилинди.

Қанчалар фахрли-а? Фахрли! Ўзбекистон қаерда-ю, Беларусь қаерда. Жасур ўзбек йигити туғилиб-ўсган Сирдарёнинг Ховос туманига қарашли Савват қишлоғи қаерда-ю, Беларуснинг Гомель вилояти Лоев туманига тегишли Хомченко қишлоғи қаёқда. Бугун ана шу олис қишлоқда, Европанинг тубидаги бир ўлкадаги кўчалардан бири Жўрахон Усмонов номи билан аталаётганини жуда кўпчилик ватандошларимиз, айниқса, бугунги ёшларимиз умуман билмаса керак. У бу заминда жон олиб, жон берганда, сўнгги қони қолгунча курашиб, ҳалок бўлганда, бор-йўғи 19 ёшда эди. 19 ёшда-я. 19 ёшда. У мана шу навқирон умр палласида ўзбек халқининг довюрак ва жасур халқ эканлигини ўз жасорати билан исботлай олган ҳақиқий ўғлон эди.

Ҳа, 19 ёшда!

У 19 ёшда Сож дарёсини сузиб ўтди. Дарёнинг Днепрга келиб қуйиладиган қисмида фашистлар билан жуда яқин, юзма-юз келган даҳшатли жангда газандаларни қийратди. Мислсиз тўқнашувда 13 маротаба душман ҳамласини қайтара олди. У взвод командири ёрдамчиси эди. Гуруҳда бор-йўғи 9 нафар жангчи қолади. Катта сержант Жўрахон Усмонов гуруҳга барча ўқ-дориларни йиғиб, гранаталар билан ҳамла қилишни, қандай қилиб бўлса ҳам асосий қўшин етиб келгунча, душманга тўғаноқ бўлишни буюради. Ёрдам кучлари етиб келиб, душманни тўсиб қолган Усмонов бошчилигидаги жангчиларни ярадор ҳолда жанг майдонидан олиб чиқди. 1944 йилнинг 15 январида Жўрахон Усмонов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

1944 йил охирида қақшатқич жангларнинг бирида у оғир ярадор бўлди. Тошкентдаги ҳарбий госпиталга юборилди. Жароҳат асорати туфайли 1945 йилнинг 14 февралида госпиталда вафот этди. Ғалабага эса озгина, бор-йўғи 3 ойгина қолганди.

У бор-йўғи 19 ёшда эди.

19 ёшда.

Ҳозир айримлар шу ёшдаги фарзанди ёки набирасига қараб, бу эндигина 19 ёшга тўлди, 19 ёш ҳам ёш-да, ҳали булар гўдак-да, деб қўяди. 19 ёшда ҳам одам гўдак бўларканми? Жўрахон эса 19 ёшида қаҳрамон бўлган эди...

Шу ўн тўққиз ёшда этик кийиб, сув кечган эркак эди.

"АЁЛИМ ВА ФАРЗАНДЛАРИМГА АЙТИНГЛАР, МЕН ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛДИМ..."

1943 йил 2 октябрь кечаси. 467-ўқчилар ротасига махсус топшириқ келди: Гулешец қишлоғи ҳудуди орқали Днепрнинг ўнг қирғоғига сузиб ўтиб, душман ўрнашган асосий нуқтани эгаллаб, ортда ҳаракатланаётган жангчиларга йўл очиб, Днепрни кесиб ўтишга чоғланган қўшиннинг хавфсизлигини таъминлаш керак эди. Эпчил ва чаққон жангчи, маҳоратли мерган Сафар Хушназаров "Днепр учун жанг" операциясида дастлабки иштирокчилар қаторида биринчилардан бўлиб, дарёни ажал ҳамласи ичра сузиб ўтди. У қирғоққа чиқиб олгач, ротанинг олд қисмида турди. Душманнинг етти бора қилган қақшатқич ҳужумига мардонавор бардош берди. 35 нафар фашист ғазандасини ер тишлатди. Сафар Хушназаров ва унинг қуролдош шериклари қаршисидаги босқинчиларни икки кун мобайнида ушлаб туриб, ҳамласини чиппакка чиқарди. Фашистлар бурнининг тагига келиб қолган бўлса-да, Сафар Хушназаров жойидан жилмади. Душманга граната улоқтириб турди. Бу орада асосий куч Днепр дарёсини кесиб ўтади. Душман билан юзма-юз жангда Сафар Хушназаров яраланди. Тиббий пункт фельдшери ва санитарлари уни дарёнинг нариги қирғоғига, хавфсиз ҳудудга олиб ўтмоқчи бўлганда, рози бўлмайди: "Мен фашистлар йўлини тўсиб турган асосий жойда ўрнашганман, менинг кетишим мумкин эмас", деб жавоб берди. Шу жангда у иккинчи бор ярадор бўлди. Қўшиннинг олд қисмида туриб, душманини яқин йўлатмаган ўзбек арслони кўрсатган жасорат барча жангчиларга руҳий куч-қудрат бахш этди, уларни мустаҳкам ҳимоя ва шиддат билан олға интилишга ундади. У Днепрнинг сўл қирғоғига юборилди. Бу ерда учинчи бор ярадор бўлди. Ёвқур ўзбек Сафар Хушназаров ўлим олдидан жангчи дўстларига оддий ва ўта таъсирли васият қилди: "Аёлим ва фарзандларимга айтинглар, мен Ватанни ҳимоя қилдим...".

Музей бағридаги хотиралар шундай сўзлайди.

Ҳа, музей битикларида шундай ёзилган.

Ҳа, музей қаърида сақланаётган, Сафар Хушназаровнинг дўстлари ёдномаларида шундай битилган.

37 ёшида ҳаёт шами сўнган, тўрт нафар фарзанднинг отаси, жасур инсон Сафар Хушназаровнинг васияти музей қаърини титратиб, қулоқларингиз остида жаранглай бошлаганда, изтироб ва оғриқ тўлғоғида ўкириб юборай дейсиз, базўр ўзингизни тутасиз, кўзингиздан дувиллаб қайноқ ёшлар сиза бошлайди.

Бугунги кунда қаҳрамон жангчининг ўттиздан ортиқ набира ва қанчалаб чевараларини Каттақўрғон шаҳрининг Ингичка қўрғончаси ҳамда Нарпай туманида истиқомат қилади.

Биз унинг изида қолган авлодларининг ҳам бобоси каби чин инсон бўлишини истаймиз.

Эл-юрт бошига қора кун тушганида этик кийиб, сув кечган Инсон руҳини шод этиш ҳам чин инсонлик белгисидир...

ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШЛИЛАР

"Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар", деган нақлнинг мазмун-моҳияти ҳақида кўп ўйлаганман. Нега бундай дейишган экан? Буни қачон эшитганим, қулоғимда қандай қилиб зил-замбил бўлиб қуйилиб қолганини ҳам изоҳлаб беролмайман. Бундай тишли-тирғли гаплар, Худо раҳмат қилгур, катта энамдан чиқар эди: демак, бу ақиданинг томири болаликнинг кўксига бориб қадалади. Энамиз-да, энамиздан бошқа ким ҳам айтарди бундай мақол-маталларни... Ёки "этик билан сув ичар...", деб тузатилса, маъно чиқармикан? Йўқ, барибир шууримга шувиллаб ёпишган, энди бугунга қадар хаёлимдан кетмай, ўрнашиб қолган ушбу илдизгапнинг моҳиятини ҳозирги дамларгача, айни шу очеркни ёзгунга қадар тушунмай келгандим. Сув кечар дея якунласангиз ҳам, сув ичар деб тугалласангиз ҳам энамнинг оғзидан эшитганим ўша мақолнинг моҳиятига етгандай бўлдим. Оҳ, деб юбордим, халқдан айланай, халқ билиб гапиради, халқ беҳудага оғзининг тафтини шамолга олдирмайди. Бугун, айни шу бугун топдим: "Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар". Сиз ҳам шу таъкидни қачонлардир эшитгансиз-а? Эшитгансиз! Бугун ўша — этик билан сув кечган эр йигитлар ҳақида гаплашамиз.

Ташналикда сувнинг қадрига етасан. Очликда нонниг. Хасталикда бир ютум ҳаво қаҳат. Бироқ тинчликнинг қадрига етиш учун бир лаҳзагина бўлса ҳам урушни кўришнинг ҳожати йўқ. Уруш ҳамма фожиаларни бирданига ўзи билан бирга олиб келади: очлик, қаҳатчилик, азоб-уқубат, хасталик...бари-барини.

Тўқликнинг дормандаси, тинчликнинг арзандаси бўлиб, эр етса-да, эркакликка эмас, эркаликка мойил бўлиб қолган айрим қизнуқсли, юзига қизилча тошган укаларим мени кечирсин-у, баъзида шулар ҳам эркакмикан, деб қоламан, шуларга бир нарсани ишониб бўладими, айниқса, ўша "бир нарса" Ватан ҳимояси билан боғлиқ улуғ ақидага бориб бош урса-чи, деган хаёлга бориб қоламан.

Буларга бирор нарсани ишониб бўладими? Бизнинг замонамизда:

— Вой, болажоним-а! Ма, ол. Манавини еб ол. Бунисини чўнтагингга сол. Шарфингни ўраб, телпагингни ҳам бостир. Қўлқопинг қани? Жунқалпоқчин кий! Нима? Мана калит, машинада бор. Отанг ўзига ҳайдовчи чақиради. Тез-тез телефон қилиб тур-да. Хавотир олмайин. Ўқиш кимдан қолмабди дейсан, ўқиши ҳам қурисин, дам олиб, дам олиб ўқи, компьютерга ҳам кўп тикилма. Хайр, болажоним, кечқурун нима овқат қилай? Хўп, чойхонага бориб ўтирма, ўзим ош қилиб кутиб ўтираман.

"Болажон" 19 ёшда.

Талаба, институтда ўқийди...

...Аёз тешиб ўтиб кетяпти. Ўғлон юпун. Чидайди. Қўл-оёқлари акашак бўлиб боряпти. Бардош беради. Йиқилмаслик керак. Тун бўйи йўл юришди. Тонг оқариб бормоқда. Нима қилиб бўлса ҳам дарё қирғоғига етиб олиши шарт. Елкасида зил-замбил юк — ўқ-дори! Егуликлар, егулик қайда... Бир бурдагина қора нон қолган юкхалтасида.

(Бундан роппа-роса 77 йил илгари, 1943 йил. Ҳалиги "қизилчали"нинг катта бобоси. У ҳам 19 ёшда...).

— Эй ота ўғил, тойчоқ! Чарчадиларми? Бугун якшанба! Дам олинг. Онаси, тойчоққа тегинманг. Ухласин! Офиснинг иши ҳам осонмас. ("Тойчоқ" 19 ёшда, отасининг компаниясида ишлайди).

... У мижжа қоқмади. Бугун учинчи кун. Тепалик учун шиддатли жанг кечди. Уч кун ухламади. Юзи тахтадай қотиб қолган. Карахт. Буйруқ келди, тепаликка шиддат билан югурди — эгаллаш керак. Етди. Ўқбўрон ичидан омон чиқиб етди. Ўзини қутлуғ заминга ташлаб, уни қучди, ўпди, ерни ўпди. "Биз сени фашистнинг қўлидан тортиб олдик, демак ғалаба яқин...". Ўғлон жилмайди (у ҳам 19 ёшда эди. У ҳам "Тойчоқ"нинг ёшида эди).

— Кўзингизга қараб юринг-да. Кўз бормми ё, нима бало?..

Автобусдан шошиб тушган қиз бекатда елимхалта кўтарган отахонни туртиб юборди, мева-чева йўлда сочилиб қолди. Ота мулзам бўлди. Қиз парво ҳам қилмади-да, йўлида югургилади — шошиш керак, сабоқдан кеч қолади. (Қиз 19 ёшда эди. Университетда таҳсил оларди).

... Ҳамшира қиз ярадор ўғлоннинг осколка илма-тешик қилиб юборган танасидан темир парчаларини битта-битталаб суғуриб оларкан, аскар иҳради:

— Мени ташлаб кетавер. Ўзимизникиларга етиб ол. Шошил, фашистлар қувиб келяпти. Сени асир олишлари мумкин. Бор. Тезроқ югур. Ўтинаман, тезроқ мени ташлаб кетавер... Шошил!

Қайда?! Ҳамшира ярадорни жон ҳолда олдга судради. Тизза ва билаклари жиққа терга ботди, кўзлари тиниб, мадорсизланди. Бироқ ярадор ўғлонни қўйиб юбормади, у билан бирга, уни судраб ўзимизникилар томон шошилди. Жангчи кўксида салқиган қон қизнинг юз-кўзларига тегди. Қон ва тер ҳиди. Қиз ўғлонни ажал комидан эсон-омон олиб чиқди. (Қиз 19 ёшда эди. Ўғлон 19 ёшда эди...).

— Ойи, Нигоранинг уйидагилар нима дейишди?

— Мебель-пебел беришмаскан. Тўйни камчиқим қилишармиш.

— Сиз нима дединг?

— Кераксиз, бизга тўғри келмайсизлар, дедим.

— Тўғри айтибсиз. Отаси ҳам ишдан бўшабди. Бекорғамасдир...

(Бўлажак куёв 19 ёшда...).

"...Нигора, мен сени бошимда кўтараман. Йиғлама, қайғурма! Ўзингни асра! Кеча укамдан хат олдим. Дадангдан қора хат келибди. Акангдан ҳам хат-хабар йўқ экан... Сен ўзингни қўлга ол, ўзингни асра! Мана кўрасан, биз енгамиз. Биз ғалаба қиламиз. Ўзингни ўша кун учун асра, жоним... Мен омон бораман. Мен сени кафтимда кўтариб бораман, ўзим сенга таянч, ўзим сенга суянч бўламан. Хабарим бор, яқинда ойинг ҳам қазо қилибди... Сен, яхшиси, бизникига бориб тур, онам ва укам билан бирга бўл. Минг лаънат бу урушга. Сени йиғлатган бу урушга минг-минг лаънат бўлсин... Нигорим..." Жангчи оғир ўйга толганди.

— Нимани ўйлайсан, Сатторов?

— Ғалабани, ўртоқ командир, ғалабани!

— Жангга тайёрмисан?

— Ҳа, тайёрман...

(Ўғлон 19 ёшда эди. Олдда қақшатқич жанг нафаси келиб турарди).

— Исмингиз ким?

— Баҳодир.

— Қаерингиз оғрияпти? Тиббий маълумотнома нима учун керак?

— Кеча ёмғирда қолибман. Шамолладим, шекилли. Уқишимга керак.

Маълумотномасиз дарсга боролмайман. (Ўғлон 19 ёшда эди. Университетда ўқийди).

...Ёмғир шаррос қуймоқда. Кун совуқ.

"Олға" садоси остида жангчи қуролдошлари қатори ўзини дарёга отди. Нариги қирғоққа сузиб ўтиш, душманни ер тишлатиш, ўч ва қасос олиш иштиёқи билан бутун вужуди аланга оларди. (Ўғлон 19 ёшда эди).

Бу муқоясалар билан бировга таъна-дашном қилиш ниятида эмасман. Фақат мардлик ва матонат тимсоли бўлган, уруш кўрган боболаримиз ўз жонларини ўлимга тиккан кезларда ортидан мана шундай айрим майинмижоз, майдафеъл алафсифатлар ҳам бўй кўрсатишини хаёлга келтирганмикан, деб ўйлаяпман. Йигитман, эрман, эркакман, деган кимсанинг шундай "илимилик-билимилиқ" бўлишини тасаввурига ҳам сиғдирмаган бўлса керак улар... Агар улар бу ҳақда ўйлаган бўлсалар, ғалабадан сўнг мард-жасур, ғурури баланд, ҳозирги ғайрат-шижоатли ўғил-қизларимиздай, ўрни ўриб, қирни қирадиган, худди ўзлари каби дали-ғули, бир сўзли авлод пайдо бўлади, деб ўйлаган. Улар ғалаба қозонган боболарнинг ўғил-қизлари ҳам ҳамиша ҳаёт синовлари устидан ғолиб келишига ишонган.

ДНЕПР ДАРЁСИНИНГ СУВИ ҚАЙНАБ КЕТГАНДИ...

Дарёнинг нариги қирғоғи ўлим. Бу қирғоғи ажал билан юзма-юз келишга шай турган ҳаёт. Нариги қирғоқда Ватанга чанг солган ёвузлик — фашизм. Бу қирғоқда эса уни тўхтатиб қолиш учун қурбон бўлишга тайёр тириклик. Ё ғалаба, ё мағлубият! Ўртада биргина дарё — Беларуснинг тақдири, бутун бошли улкан мамлакат, инсоният қисматида туб бурилиш ясашга маҳкум этилган шўрлик дарё.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1224.
42514 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 03:30 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15